*Хусусийлаштириш сабоқлари*

# Мулк бор-у, мулкдор йўқми?

*Жиззах вилоятида хусусийлаштириш бўйича қабул қилинган Давлат дастури талабларининг ижроси бўйича 164 та корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, сотилиши керак эди. Амалда эса уларнинг 78 таси сотилди. Мавжуд объектларни, эркин савдодаги акцияларни сотиш масаласида тўхталсак, аҳвол янада аянчли. Хорижий инвесторлар билан ишлари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.*

Вилоятдаги мутасадди раҳбарлар мавжуд аҳволни акциядорларнинг кутган даромадини ололмаётгани ва жойларда ҳиссадорлар жамиятни бошқаришда бевосита иштирок этишмаётгани билан изоҳлашади. Демак, эскича қарашларга бир жиҳатдан хиссадорлик жамоаларининг бошқарув тизими деярли ўзгаришсиз қолаётгани сабаб бўлмоқда. Одамларда мулкнинг эгаси пировардида уларнинг ўзлари бўлишларига ишонч ҳосил бўлмаяпти.

Шу ўринда ўз ҳақ-ҳуқуқини билиб, иқтисодий ислоҳотларда фаол қатнашаётган, лўнда қилиб айтганда, ҳам ўзи даромад олиб, ҳам бошқаларни манфаатдор қилаётган жамоалар ҳақида гапириш ўринли бўлади.

Икки йил олдин «Ғаллаоролпарранда» ҳиссадорлик жамияти акцияларининг бир қисмини «Азияинко» хусусий фирмаси сотиб олганди. Маҳаллий раҳбарлар жамият мулкининг тасодифий одамлар қўлига тушиб колмаслиги учун жон куйдирдилар. Фирма ўтган даврда «Ғаллаоролпарранда»нинг аввалги қиймати ( 163 миллион сўм)га қўшимча 200 миллион сўм миқдорида инвестиция киритди. Жамиятнинг 89 миллион сўмлик кредиторлик қарзларини тўлаб, жамоа фаолиятини тўла йўлга қўйди. Илгари кунига 10-12 минг дона тухум етиштираётган корхона ўтган йили бу кўрсаткични 45-50 минг донага етказди. Энг муҳими, ҳиссадорлик жамияти бошқаруви билан Кузатув кенгаши ўртасидаги ҳамжиҳатлик мавжуд. Раис мунтазам равишда ҳиссадорлар олдида ҳисоб беради.

— Қизиқ, катта вилоятнинг ўзида шундай ижобий тажрибадан бошқалар ўрнак олмайди?

Назаримизда, ўтган йили хусусийлаштириш давлат дастурининг бажарилмай қолиши сабабларидан бири айнан тадбиркорлик ва ташаббус кўрсатиб ишланмаётганидир. Қолаверса, жойлардаги айрим раҳбарлар, мутасаддилар вақтида изланишмади, жон куйдиришмади. Оқибатда Жиззах шаҳри, Зарбдор, Арнасой, Ғаллаорол туманларида режадаги ўнлаб корхоналар хусусийлаштирилмасдан қолди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан кейин ҳам «Жиззахсувқурилиш», «Жиззахчўлқурилиш», «Зарбдор пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамиятлари, 50-автокорхона, «Янги аср» масъулияти чекланган жамиятининг давлат улушлари ва жойлаштирилмаган активлари, 1-қурилиш материаллари комбинати қошидаги бетон буюмлари заводи, «Ғаллаорол», «Зарбдор» автошоҳбекатлари, «Юлдузча», «Ойгул» болалар боғчаларини хусусийлаштириш пайсалга солинди. Ваҳоланки, юқоридаги қарорда бундай жамоалар мулкларини инвесторларга инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан танлов асосида бепул бериш тартиби белгиланиб, корхоналарнинг давлат улушидаги акциялари нархини босқичма-босқич пасайтириб бориш имкониятлари яратилганди.

Мазкур муҳим масалага ҳамма жойда ҳам масъулият билан ёндошилганда эди, ҳозиргача 29 та акциядорлик жамиятининг акциялари «Тошкент» фонд биржасида сотилмасдан турмасди.

Тўғри, бир қатор корхоналарнинг зарар кўриб ишлаётгани улардаги ускуналарнинг эскириб, меҳнат шароити талаб даражасида эмаслиги билан ҳам боғлиқ. Аммо баъзи корхоналарда ҳатто Низом жамғармасини шакллантириш ва рўйхатдан ўтказиш ёки расмий ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида мулкчилик шаклларини аниқ меъёрга келтириш сингари ташкилий ишлар пайсалга солингани, бошқаларида эса олинаётган дивидендларнинг эгаларига вақтида етказилмаётгани каби ҳоллар ҳам борлиги умумий ишга тўсиқ бўлаяпти.

Кўриниб турибдики, муаммолар ечими изланишга боғлиқ. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишида сотиш механизмининг тўғри йўллари кўрсатиб борилди. Шуни эътиборга олиб, ташаббускор сармоядорларни топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, кўзда тутилган режаларнинг сўзсиз ижросини таъминлашга эришиш зарур. Қаерда мулк ҳақиқий эгасини топса, ишлаб чиқариш жараёнларида фидойилик намуналари кўзга ташланса, ўша ерда иқтисодий ислоҳотлар самара беради.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

# Муносабатлар масофа билмайди

***Фарғона истиқлол йилларида халқаро учрашувлар, мунозаралар, тренинглар ўтказиладиган марказлардан бирига айланиб бормоқда. Фикримизни яқинда халқаро мавзуда ўтказилган икки тадбир ҳам исботлаб турибди.***

## Минтақавий тренинг

Бундан роса бир йил аввал Фарғона вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасида жаҳондаги 40дан зиёд мамлакатларнинг қутқарувчилари ўзаро тажриба алмашгани тўпланишган эди. Энди бу ерга Америка Юристлар ассоциацияси ташаббуси билан Фарғона водийси вилоятлари, қўшни Қирғизистон, Тожикистон мамлакатларининг мустақил юристлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаоллари ташриф буюрди.

Ассоциациянинг Фарғона водийси жамоатчилик манфаатлари ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган бешинчи минтақавий тренингида қирғизистонлик Ўктам Ғозиев, тожикистонлик Равшан Қодиров, ўзбекистонлик Венера Абдураззоқова сингари мутахассислар фуқаролар омонат жамғармалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўсмирлар муаммоларига бағишланган маърузалари тингланди. Айниқса, халқаро даражада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чиқишлар мунозараларга бой бўлди.

Тренингга Ассоциациянинг Ўзбекистон ва Туркманистон Республикаларидаги минтақавий директори Ричард Пейтен якун ясади.

## Қўриқдаги гурунг

Американинг халқаро ривожланиш бўйича агентлиги — ЮСАИДнинг нодавлат жамоаларни молиялаштириш бўйича лойиҳаси уч йилдан бери вилоятнинг бешта маҳалласида фаолият кўрсатяпти.

Асосан қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашувчи лойиҳанинг бош мақсади тадбирга маҳаллаларнинг 14дан 25 ёшгача бўлган ўсмирларини жалб этишдир. Ёшлар ўз қишлоқлари, маҳаллаларини ободонлаштириш, йўл тармоқлари, коммуникация тизимларини бунёд этишда фаол қатнашишлари лойиҳанинг асосий талабларидан ҳисобланади.

Яқинда халқаро лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида қўриқ Ёзёвон туманига қирғизистонлик, тожикистонлик ёшлар ташриф буюришди. Меҳмонлар туманнинг энг чекка «Тикалик» маҳалласида лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар, «Ёзёвон» академик лицейида эса уч мамлакат ёшларининг гурунги ўтказилди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бухоро ва Самарқанд ҳинд сайёҳи нигоҳида

***Деҳлидаги Португалия маданият марказида "Марказий Осиёнинг ипак йўли шаҳарлари — Самарқанд ва Бухоро Судҳа Маҳаллингам нигоҳида" мавзуидаги фотосуратлар кўргазмаси очилди.***

Кўргазмада намойиш этилаётган суратлар ҳиндистонлик олим ва журналист Судҳа Маҳаллингамнинг гўзалликда тенги йўқ улуғ шаҳарлар – Бухоро ва Самарқанд бўйлаб саёҳати маҳсулидир. Унда кўҳна шаҳарлардаги бетакрор қадимий обидалар, осори-атиқалар моҳирона акс эттирилган.

Суратлар кўргазмасининг тақдимот маросимида Марказий Осиё бўйича олим ва мутахассислар, хорижий дипломатик ваколатхоналар вакиллари, санъат мухлислари ва журналистлар иштирок этишди.

Тадбирни очар экан, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси И.Мавлонов ўзбек халқининг кўҳна тарихи ва бой маданий меросидан шаҳодат берувчи Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хива сингари шаҳарларидаги тарихий-меъморий обидалар хорижий сайёҳларни ҳамиша ўзига мафтун этишини қайд этди. Элчи кўргазма муаллифини ушбу ижодий муваффақият билан қутлар экан, унга Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонаси номидан эсдалик совғалари тақдим этди.

**Шуҳрат УМИРОВ**
**"Жаҳон" АА**
**Деҳли.**





*Замонавий, қулай, сифатли ва бежирим мебелларни кўрганда кишининг кўзи қувнайди. Илгари бундай мебеллар асосан республикамизга хориждан олиб келинарди. Эндиликда «Файз-холдинг» компаниясида ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги мебеллар чет элникидан асло қолишмайди. Айниқса, компаниянинг пойтахтимиздаги бош корхонасида тайёрланаётган мебеллар халқимизга манзур бўлмоқда. Бу ерга хорижнинг замонавий, ўта аниқликда ишлайдиган дастгоҳлари ўрнатилганлиги туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беряпти. Шу боис уларнинг бир қисми четга экспорт ҳам қилинмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: компанияда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар; оператор Эрсен Абдураззоқов.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# ОРОЛ ДАРДИ — ЭЛ ДАРДИ



***НУКУС (ЎзА мухбири А.Ортиқбоев).***

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши "Орол дарди — эл дарди" мавзуида танлов эълон қилди. Шу пайтга қадар мазкур танлов халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ташаббуси билан уюштирилаётган эди. Эндиликда уни республика ҳукумати ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Мақсад — Оролни асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан фойдаланишда йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф этиш, ота-боболаримиз қўллаган тежамли усулларни қайта тиклаб, тарғиб қилиш, аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш, минтақада юзага келган экологик муаммоларни ёритишдан иборат.

Шу йил якунигача давом этадиган танловда энг яхши поэзия, проза, драма асарлари, илмий мақолалар, публицистика, очерклар, телефильмлар ва телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, қўшиқлар, ҳайкалтарошлик ва рассомлик асарлари саралаб олинади.

# ҲАРБИЙ ЧАҚИРУВГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунига мувофиқ йигитларимиз ҳар йили икки марта — баҳор ва кузда муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.

Апрель-май ойларида туман, шаҳар ва вилоят чақирув пунктларида иш қизийди. Малакали врачлар ҳарбийга отланган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказади. Чақирув комиссияси аъзолари эса уларнинг оилавий шароити, жисмоний тайёргарлиги, маънавияти билан боғлиқ томонларни синчиклаб ўрганади.

Анъанага биноан, чақирилувчиларни ҳарбий қисмларга кузатиш маросими ўзига хос байрамга айланади. Унда ота-оналар, уруш ва меҳнат фахрийлари, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этиб, бўлажак Ватан посбонларига энг эзгу тилакларини билдиради.

Бухоро вилоят ҳокимлигида ўтказилган фаоллар йиғилиши ана шу долзарб масала — Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 мартда қабул қилган "Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорининг ижросига бағишланди.

Сўзга чиққанлар Қуролли Кучларимиз сафларини соғлом, бақувват, маънан етук ёшлар билан тўлдириш, захирага бўшатилаётган аскарларни иш жойлари билан таъминлаш, чақирув комиссиялари фаолиятини тубдан яхшилаш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов иштирок этди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири**

*Газетада босилмади, аммо...*

## Тегишли кўрсатмалар берилди

**Таҳририятга келган мактуб:**



***«Биз яшайдиган «Ўрта қишлоқ» маҳалласида бир неча йилдан буён табиий газ, электр энергия ва ичимлик суви таъминоти масаласи қийин аҳволда. Бу борада хўжалик раҳбарларига мурожаат қилсак-да, бироқ аҳвол сира ўзгармаяпти.***

**Мардон ТУРДИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти, Денов тумани».**

**Таҳририятга келган расмий жавоб:**

«Ш.Қобилов номли ширкат хўжалиги аҳолиси юқори босимли ер ости газ қувури орқали табиий газ билан таъминланади. Қиш мавсумида эса табиий газ босимининг кескин пасайиши натижасида ширкат хўжалигини бир меъёрда табиий газ билан таъминлаш қийин кечмоқда. Бунинг учун диаметри 114 мм. бўлган газ қувурини диаметри 159 мм.ли табиий газ қувурига алмаштириш лозим. Бу ишни амалга ошириш бўйича туман ҳокимлиги ҳамда ширкат хўжалиги бошқарувига тегишли кўрсатмалар берилди. Сурхондарё электр тармоқлари шўъба корхонаси таркибий бўлинмалари шаҳар ва туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда куз-қиш даврида электр энергияси истеъмолини тартибга солиш тадбирларини ишлаб чиқди.

**Х.РАМАЗАНОВ,**
**Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари».**

*Акс-садо*

*Бозор нафақат олди-сотди майдони, балки муайян мавзе, шаҳар, қишлоқнинг юзи-кўзи ҳисобланади. Шу боисдан бу масала кўпчиликнинг диққат марказида бўлади. Газетамизнинг шу йил 10 март сонида "Сиз нима дейсиз?" рукни остида "Бозор: унинг имкониятлари, имтиёзлар, имдодлари" сарлавҳали мақолага билдирилаётган турли фикрлар бунинг тасдиғидир. Улардан айримларини ихтиёрингизга ҳавола қилишни лозим топдик.*

# БОЗОР —

## Деҳқоннинг олдига борайлик

Мақола Фарғона вилояти бозорлар уюшмаси таркибидаги 36 та бозорда муҳокама қилинди.

Мақолада бизни анчадан бери ўйлантириб юрган, лекин тилимизга чиқариб айтолмаётган гаплар баралла, ошкора ифода этилган.

Бозоримиз — шаҳримиз тенгдоши. Келгуси йили бозорга илк расталар ўрнатилганига 130 йил тўлади. Ўтган йилларда бунинг ҳудуди деярли ўзгармаганди. Мақолада таъкидланганидек, фақат истиқлол йилларига келиб, бизнинг бозоримиз қиёфаси ҳам тубдан янгиланди. Ёпиқ тим бозори, озиқ-овқат савдоси учун замонавий мажмуа, энг муҳими, сотувчи ва харидорларни ёғин-сочиндан, жазирама офтобдан сақловчи темир конструкцияли учта айвон барпо этилди.

Деҳқон билан бозорни яқинлаштириш ҳақидаги фикрларга тўлиқ қўшиламиз. Ҳақиқатан ҳам, бозорларимизда ўзини ишбилармон, тадбиркор деб атовчи, аслида, чайқовчиликни касб қилиб олган одамлар учрайди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли нарх-навонинг кўтарилаётгани сир эмас. Шу боисдан бундай олибсотарларнинг баҳридан кечиш учун қатор ишларни амалга ошираяпмиз. Биринчи навбатда, жамиятимиз қошида савдо харид корхонасини қайта тикладик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлайдиган "Давр", "Ўктам-У", "Чеҳра", "Элбек" сингари фирмалар, 25 та деҳқон хўжалиги билан ўзаро манфаатли шартномалар тузилди. Йил давомида уларнинг 20 миллион сўмликка яқин маҳсулоти сотиб берилди. Секин-аста бўлса-да, деҳқон-бозор савдо муносабатлари шаклланиб бормоқда. Илгари деҳқонлар бозорга келиб шартнома тузган бўлса, энди бевосита бизнинг менежер ва мутахассисларимиз деҳқоннинг ҳузурига бориб, бу йил қандай маҳсулотлар экиш ҳақида маслаҳатлашиб, шартномалар тузиб қайтишмоқда. Имкон қадар деҳқонларга уруғлик, ўғит, маблағдан ёрдам бериш йўллари ҳам топилмоқда.

Бозор — ўз номи билан бозор. Баъзан у ёки бу маҳсулот тақчил бўлиб қолади. Шундай пайтда мақолада келтирилган олғир олибсотарлар устамонлик билан фойдаланиб, нархни икки-уч баробар кўтариб юборишади. Бунинг олдини олиш учун савдо-харид корхонаси ҳузурида 10-15 тонна маҳсулот сақлайдиган омборхоналар ташкил этдик. Бу омборхоналар турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўла бўлади. Қайси маҳсулот камчил бўлиб қолса, ўшани савдога чиқарамиз. Пировардида бозордаги нарх изга тушади, олибсотарнинг эса "савдоси" синади. Менимча, бу тажрибаларимиз бошқа бозорларда ҳам қўлланилса, фойдадан холи бўлмайди. Хуллас, "Деҳқон бозори" деҳқонга қанчалик яқинлашса, ўз номига муносиб бўлади.

**Одилжон АСРОНҚУЛОВ,**
**Фарғона шаҳридаги "Деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.**

## Майда ўғирлик касбми ёки жиноят?

Газетамизнинг шу йил 10 март кунги сонида «Бозор: унинг имкониятлари, имтиёзлари, имдодлари» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда кўтарилган долзарб муаммоларни ўқиганимдан сўнг ўзим гувоҳи бўлган ушбу воқеани ёзишни лозим, деб топдим

Яқинда бир танишим телефон қилиб, бозорга бирровга келиб-кетишимни илтимос қилди. У дўсти билан Самарқанддаги иссиқхоналарда ўзлари етиштирган бодрингни Қўйлиқ деҳқон бозорига олиб келиб, улгуржи сотиб кетарди. Ҳар замонда қўшниларининг маҳсулотини ҳам олиб келиб турарди. Бозорга минг бир хаёл билан кириб бордим. У мени кўриши биланоқ, эрталаб бошидан ўтказган воқеани сўзлаб берди.

«Бугун эрталаб (воқеа март ойининг бошида) бозорга Самарқанддан саккиз яшик бодринг олиб келгандим. Харидорлар билан савдолашиб, хаёлим чалғиган пайтда, яшиклардан бири йўқолиб қолди. Унда салкам эллик килога яқин бодринг бор эди. Кайфиятим тушиб кетди. Ахир шунча жойдан заҳмат чекиб олиб келсаму, фойда эмас, зарар кўрсам... Шундан сўнг бозордаги жиноят-қидирув бўлимига мурожаат қилдим. Милиция ходимлари бир зумда олти-етти чоғли аёлларни топиб келди. Улар гумондорлар экан. Шу ернинг ўзида суриштирув бошланди. Бироқ ҳеч ким айбни бўйнига олмади. Шунда Насиба деган аёл менга «Бодрингингни топиб берсам, уч минг сўм берасанми?» деб қолди. Аёлнинг довюраклилигига қойил қолдим. Ахир ҳамма ёқда мелиса. Бундан ташқари, жиноят-қидирув бўлими ходими Тўлқин Нурматов (кейинчалик у ўзини шундай деб таништирди) ҳам шу ерда. Уларнинг олдида ҳеч қўрқмасдан топиб беришга ваъда берди. Унинг бу ҳаракати ўғрини танийман, дегани эди-да!

Ҳар қалай, Насиба опа яхши аёл экан, бодрингни топиб берди. Уч мингни ҳам сўрамади. Ўзи эса қаергадир кетди. Биз топилган маҳсулотимизни сотдикда, яна Нурматовнинг олдига келиб, ўғриларни жазолашни сўрадик. У киши эса сотиб юборилган бодрингни топиб келишни талаб қилди. Ҳатто бодрингни нега сотиб юбординг, дея бақирди ҳам. Тўғриси, бироз довдираб қолдим. Ахир, ўзингиз ўйланг, жабрланувчи, ўғри бўлмаса-да, ўғрининг кимлигини билувчи одам бор. Бундан ташқари, бу воқеани кўп киши билди. Демак, гувоҳлар ҳам бисёр. Ҳамма бор, фақат бодринг йўқ. Нима бало, бодрингни ҳам жиноят ишига қўшиб тикишадими? У кишининг айтишича, ашёвий далил— асос керак эмиш...»

Бу гапларни айтиб бўлгач, дўстим билан биргаликда Тўлқин аканинг олдига кирдик. У киши эса бундай шароитда жиноят иши очиб бўлмаслигини такроран тушунтиришга ҳаракат қилди. Ўзимни таништирганимдан сўнг у кишининг муомаласи ўзгарди. Ёнидаги норғул бир йигитга «Бахтиёр, буларга тушунтириш хатини ёздириб тур» деганча ўзи қаёққадир чиқиб кетди. Бўлган воқеа ҳақида танишим тушунтириш хати ёзиб берди.

**2004 – Меҳр ва мурувват йили**

# Яхшиликнинг чек-чегараси йўқ

Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада барқарор этиш, юртдошларимиз, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлод онгида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор йиллар мобайнида олиб бораётган ишларимизнинг мантиқий давоми бўлди.

Мен «Меҳр ва мурувват йили Дастури тўғрисида»ги ҳукумат қарорининг ҳар бир бандини синчиклаб ўқиб, унда уч жиҳатга алоҳида эътибор қаратилганини англадим. Биринчидан, жамият, яъни биз ўзимиз барпо этаётган эркин фуқаролик жамияти меҳрли-мурувватли бўлишидан манфаатдормиз. Бинобарин, Дастурда белгиланган вазифаларни бажаришга муайян ташкилот ёки давлат муассасасигина мутасадди эмас. Аксинча, бутун жамият, фуқароларнинг ўзлари яхши, фаровон турмуш кечиришлари учун бир-бирларига оқибатли, мурувватли бўлишлари лозим. Бу халқни янада бирлаштирувчи, уни янги куч-қувватга тўлдирувчи омил ҳисобланади. Демак, қабул қилинаётган қонунларимиздан тортиб, ҳар бир маҳаллада амалга ошираётган ишларимизда ҳам жамиятдаги барча ижтимоий институтларнинг, чунончи, оиланинг манфаатлари устувордир. Иккинчидан, Дастурда қайд этилган вазифалардан шу пайтгача оила ва шахс манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширган ишларимиз кам, энди унинг янада самарали йўллари изланмоқда. Негаки, меҳр-мурувватли бўлиш дастурнинг эълон қилиниши билангина боғлиқ бўлмай, балки ўзбекистонликларга азалдан хос бўлган ноёб қадрияти халқ фазилати эканлиги яна бир бор таъкидланди. Халқ руҳиятида азал-азалдан ҳукмрон бўлган сифатларни ҳар қачонгидан жонлантириш ва камол топтириш нафақат жорий йилнинг, балки доимий ишимиз эканлигига дастурий асос яратилди. Учинчидан, бу йил ва ундан кейин амалга ошириладиган барча ишларимиздан кўзланган мақсад жамиятимизда яшаётган катта-ю кичик шу жамиятда яшаётганидан рози бўлиши, қалбида ғурур ва ишонч туйғусини туйиб, бошқаларга мурувват кўрсатса ва мудом шундай фикр билан яшаса, жамият ҳам унга мурувват қилиши, яхшиликдан яхшилик униши ғоясини сингдиришдир.

Маънавий покланиш тобора ҳаётимиз мазмунига айланиб бораётган жамиятимизда ўзаро меҳр-мурувватли, оқибатли бўлиш ғояси миллий истиқлол ғоясига мос тушади, халқни турли маънавий бўҳронлардан, жамиятни салбий зиддиятлардан асрайди.

Меҳр ва мурувват, одамийлик, оқибат, раҳм-шафқат каби эзгу тушунчалар аслида оиладан бошланади. Халқимиз қон-қонига сингиб кетган бу қадриятлар, энг аввало, оилавий ўзаро муносабатларимизда, қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик муомаламизда ўз аксини топади. Ғарб мамлакатлари психологиясида мавжуд шахсий автономия ғоясига кўра эса, ҳар бир инсон фақат ўз ғоялари, маслак ва истаклари, интилишлари доирасида кўпчиликдан — жамиятдан ажратилади. Оқибатда ижтимоий бегоналашув феномени юзага келади. Одам борган сари ўзини ўзгаларга қарши қўядиган, улардан йироқлашадиган, тафовутларга кўпроқ урғу берадиган бўлиб қолади. Айрим мутахассислар бу ҳолатни шахснинг жуда эрта мустақил оёққа туриши, мустақил фикрлаши ва «ўз аравасини ўзи тортиши» учун туртки бўлди, деб оқлашга интилишади. Лекин биздаги оилапарварлик, инсонпарварлик ғоялари фикрлашдан фикрлашнинг фарқи борлигини, инсон биринчи навбатда ўзининг одамларга муомаласи, жамиятга наф келтира олиши туфайли қадрли бўлишидан манфаатдор эканлигини асрлар оша исботлаб келмоқда.

Шарқ фалсафаси, хусусан, мотурудия фалсафасида буюк бир ғоя бор. У ҳар бир ишда, амалда меъёр сақлаш билан боғлиқдир. Бугун меҳр-мурувват, оқибат ҳақида гапирар, ишимизни шу тушунчалар асосида ташкил этар эканмиз, бу тамойилларга қай даражада амал қилинаётганини билгим, меҳр ва мурувватнинг чегараси бўлиши мумкинми, деган саволга жавоб қидиргим келди.

Одатда биз оилани доимий меҳр-муҳаббат қарор топган, хонадон аъзолари бир-бирларига суянадиган севимли маскан сифатида тасаввур қиламиз. Психологик тестларда «оила» сўзи кўп ҳолларда «илиқлик», «яқинлик», «ширин», «ёқимли» каби ижобий маъноли сўзлар билан уйғунлашади. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон уйига, оиласига талпинади. Лекин бу ҳолат ҳам турлича намоён бўлади. Масалан, ижтимоий психологияда «гиперопека» ва «гипоопека» тушунчалари учрайди. Биринчиси — ота-она томонидан болага беҳад ғамхўрлик кўрсатилишини, уни еру-кўкка ишонмай парваришлашни, умуман олганда, оиланинг кичик аъзосига катталар томонидан ҳаддан зиёд эътибор кўрсатилишини англатади. Бундай муҳит ва муносабат таъсиридаги бола маълум даражада ўзини севилган, тилаб олингандай бахтиёр ҳис қилса-да, баъзан унинг ҳаётига, оилавий турмушига тайёргарлигида, мустақил фикрлашида муаммолар ҳам пайдо бўлади. Борди-ю, қандайдир тасодиф туфайли ота-онасиз қолса, ўзини «ночор» ҳис қилади. Ҳаёт қийинчиликларини енгишга иродаси, сабр-қаноати етишмайди. Пировардида тушкунликка юз тутиши ҳеч гап эмас.

Иккинчи хил тарбия муҳити — гипоопекада аксинча ҳолат назарда тутилади. Болага ота-онасининг ва яқинларининг меҳри етишмайди. Шу боис у ўзини рад этилган, хўрланган ночор одамдай тутади. Бундай муҳит қурбонига айланган болаларнинг баъзилари жангари, ҳаммадан ётсирайдиган, жанжалкаш бўлса, айримлари мутлақо тескариси — юввош, тортинчоқ, одамови, дард-ҳасратли бўлади. Бундан қатъи назар, боланинг хулқ-атвори, феълидаги нуқсонлар кўнгли ўксикликдан, асабийлашганликдан, ўзидан норозиликдан бошланади. Демак, бола тарбиясида унга меҳр-шафқат кўрсатиш ўта ортиқ ҳам, кам ҳам бўлиши яхши оқибатларга олиб келмайди. Шунинг учун ҳам Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда юқоридагига ўхшаш психологик қонуниятларни эсдан чиқармаслик керак.

Донишмандлардан бири «Ўта мурувватли бўлиш - тобе бўлишдир» деган экан. Яъни, мурувват кўрсатишни кимгадир кўпроқ моддий кўмак беришдангина иборат деб ҳисобласак, менталитетимиз, қадриятларимизга ҳам, одамийликка ҳам зид иш қилиб қўйишимиз эҳтимолдан холи эмас. Масалан, оилада болани ўйинчоқларга кўмиб ташласак, тилак-истагини оғзидан чиқар-чиқмас бажо келтираверсак, унинг феъл-атворида шундай қусур шаклланадики, охир-оқибат ҳеч нарсадан шодланмайди. Отаси ёки онасидан миннатдор бўлмайди ҳам. Совға ташиган ота-она эса «Нима қилсам, кўнглини овлар эканман», деб болага баттар тобе бўлиб бораверади.

Энди мамлакатимизда мавжуд меҳрибонлик уйларига бир эътибор қаратайлик. Давлатимизнинг ғамхўрлиги туфайли уларда тарбияланувчилар учун барча шароитлар яратиб берилган. Айниқса, «Сен ёлғиз эмассан» мурувват жамғармаси ташкил этилгач, жамоатчилик фикри шу тоифа болаларга янада кўпроқ қаратилди. Уларнинг турмуш ва тарбия шароитлари ҳар қачонгидан яхшиланди. Жамғарма меҳрибонлик уйларидагиларнинг маънавий, ақлий камолати учун жиддий қайғуриб, махсус тўгараклар ташкил этаётгани, болаларнинг бўш вақтини мароқли, фойдали ва сермазмун ўтказишга катта эътибор бераётгани таҳсинга лойиқ.

Яқинда илмий изланишлар доирасида бир неча шундай масканларда бўлдик. Асосан, «Бу норасидалар нима сабабдан отаси ва онасидан жудо бўлди экан?» деган саволнинг жавоби билан қизиқдик. Шу асно ота-оналарини топсак, айрим болаларни оиласига қайтариб, бахтиёр қилсак, деб орзу қилдик. Таҳлил мобайнида бизни таажжубга ва хавотирга солган икки ҳолатга дуч келдик. Биринчиси — меҳрибонлик уйларидаги чин етимлар сонининг камлиги эди. Битта масканда улар жами болалар сонининг 12,5 фоизини ташкил этаркан, холос. Бу, албатта, қувонарли. Лекин қолганлари-чи? Маълум бўлишича, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ота-оналарининг бир қисми бундай ҳуқуқдан қонунан маҳрум этилган ёки руҳий касал, ёки ўта бемор ва ҳоказо кишилар, бир қисми жиноятчилар экан. Аммо кўпчилиги жигарбандини ташлаб кетган, ўз бурчини унутганлар бўлиб чиқди. Бундан қаттиқ ташвишга тушдик. «Нега?!» деган саволлар қийноғида қолдик.

Бу ҳолатнинг сабабларидан бири юқорида эслатганимиз — жамият томонидан етимларга ғамхўрликнинг ҳаддан зиёд ортиб кетганида эмасмикин, деган хаёлга ҳам бордик. Тўғри-да, давлат боқиб турган, ҳомийлар мурувват кўрсатаётган бўлса, тарбиячилар эрта-ю кеч боланинг ёнидан жилмаса, айрим ота-оналар уни ташлаб, хорижга тижорат учун йўл олади ёки эрта-кеч бозорма-бозор изғийди. Умуман олганда, Оила Кодексида белгиланган ота-оналик мажбуриятларидан озод бўлади. Қолаверса, ўзаро чиқишмаган эр ва хотин ажралишади. Улар учун кейинги никоҳга йўл очилади ва ҳоказо. Ғарб индивидуализми ва ижтимоий бегоналашувини эслатади бу нохушликлар. Шунинг учун ҳам бугун олимлар олдида «ижтимоий етимлик» ҳодисасини ўрганиш кўндаланг турибди. Ота-онадан эмас, меҳрдан етим бўлган, кимларнингдир қўлида тарбия топаётган ёки қариндош-уруғлари, пул эвазига қараб турадиганларга топширилган болалар тоифаси бу.

Хўш, жамоатчилик қаерда қолди? Ахир ўша болани ташлаб келган аёл ёки шунга йўл қўйган эркакнинг қариндош-уруғлари орасида виждонлиси, инсофлиси йўқми? Ёки бошқа савол: тирик, тўрт мучаси соппа-соғ ота ёки онадан дуркун болани Меҳрибонлик уйига олиб қолаётганларнинг, бунинг учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиришга ёрдам бераётганларнинг ҳам фарзандлари бормикин? Уларда ўша норасиданинг ҳаққи-ҳурмати отани ёки ночор онани йўлга солиш имкони йўқми? Жамоатчилик фикри-чи? Бу гаплар меҳрибонлик уйларидан ташқарида юрган, ўз онаси ёки отаси меҳрига ташна болалар тақдирига ҳам алоқадор. Кекса, ночор момоларига ташлаб кетилган ўғил-қизлар маҳаллаларда озмунчами?

Яқинда Меҳрибонлик уйи мутасаддиларидан бири улардаги болалар сони тез кунда «палончага етиши»ни айтганда, қулоқларимга ишонмадим. Биз етимхоналардаги болалар сонини камайтириш, соғ отаси ва онаси бағрига қайтаришни ўйласаг-у улар Меҳрибонлик уйидаги болалар сони ортишидан манфаатдорми? Маҳалла фаоллари, зиёлилар, жамоатчилик - барчамиз масаланинг бу томонларига биргаликда эътибор бермасак бўлмайди, шекилли. Кўплашиб кўчаларда юрган қаровсиз болаларнинг «ишбилармон» ёки ҳақиқатан ҳам турли сабабларга кўра ночор отаси ва онасини топсак, тўғри йўлга солиб, инсофга чақирсак, фойдадан холи бўлмасди. Ахир, илиқ меҳр ва бир бурда беминнат нон ҳар бир ота-онада доимо топилган ва топилади-ку? Ўзбекларда азалдан етимхона деган тушунчанинг ўзи бўлмаган-ку? Бу ғояларни халққа етказиш, бизнинг Меҳр ва мурувват йилидаги энг савобли ишларимиздан бири бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

**Васила КАРИМОВА,**
**Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор.**



*Довулбой Бисенбоев эгнига темир йўлчилар кийимини илганига шу йилнинг баҳорида 32 йил тўлади. Ана шу муддат давомида у поездлар ҳаракатининг узлуксизлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашга бор куч-ғайратини сарф этиб келмоқда. Йўловчилар билан доимо хушмуомалада бўлишликни канда қилмайдиган Д. Бисенбоев Қўнғирот тумани «Қорақалпоқ» темир йўл бекатидаги касбдошлари орасида ҳурмат-эътибор қозонганлардан саналади.*

**СУРАТДА: Довулбой Бисенбоев иш устида.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

## Жиноятчиликка қарши биргаликда

2001 йил ноябрь ойида Тошкентда "Хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида" Ўзбекистон-Австрия ҳукуматлараро битими имзоланган эди.

Ҳозир мазкур битим доирасида халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик ва бошқа таҳдидларга қарши курашда икки томонлама яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Австрия ички ишлар федерал вазири Э.Штрассер Тошкентга ўтган йил май ойида қилган ташрифи чоғида мамлакатимизнинг жиноятчиликка қарши курашдаги алоҳида мавқеини зикр этиб, Австрия ва Европа Иттифоқига аъзо бошқа давлатларнинг Ўзбекистон билан ушбу соҳада ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини баён қилган эди.

Яқинда Ўзбекистон Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги вакилларининг Австрияга ташрифи мазкур алоқаларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон ҳайъати аъзолари Венада Австрия Ички ишлар ва Адлия федерал вазирликлари, пойтахт бош прокуратураси раҳбарияти билан музокаралар ўтказишди, "Вега" махсус аксилтеррор бўлинмаси ва жазони ўташ тизими маҳкамалари фаолияти билан танишдилар, австриялик ҳамкасблари билан тажриба алмашдилар.

**"Жаҳон" АА.**

## Фармойишдан сўнг

*Наманган вилояти прокуратураси девонхонаси ҳужжатлари орасида қалингина альбом бор. У одатдагидек, оилавий эсдаликлар ёки дўст-оғайнилар суратлари билан эмас, балки, қишлоқлардаги 14 та мактабдан олинган тасвирлар билан тўлғазилган. Альбомни варақлар экансиз, ҳар бир илм даргоҳидаги икки хил манзарага кўзингиз тушади. Таъмирдан олдинги ва кейинги.*

# Мактабга қайишган кам бўлмайди

Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги 360-сонли қарорига асосан тузилган ҳукумат комиссияси иш режасига мувофиқ умумтаълим мактаблари аҳволини таҳлил қилган прокуратура ходимлари қатор ўқув масканлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларни таъмирдан чиқариш узоқ йиллар орқага суриб келинганининг гувоҳи бўлдилар. Бундай ҳолатда таълим самарадорлиги, соҳадаги ислоҳотлар изчиллиги хусусида гап бўлиши мумкинми, деган ҳақли савол ўртага ташланганни табиий. Масалага жиддий ёндошиб, аҳволни қисқа фурсатда тубдан яхшилаш тадбирлари белгиланди. Табиийки, унинг ижросини ҳуқуқий идора ўз назоратига олди.

Учқўрғоннинг Янгиер қишлоғидаги 37-мактаб ёмон аҳволга тушиб қолган эди. Таъмирланмаганидан бўёқлари кўчган, деворлари шилдираб, томдан чакки ўтадиган бўлиб қолган эди. Иситиш тармоғи эса умуман ишламайди. Ишга халқ таълими бошқармаси жалб этилди, ҳомийлар ҳаракатга келди. «Томни тўла таъмирлаб берамиз», дейишди ҳудуддаги «Учқўрғон» ширкат хўжалиги мутасаддилари. Буни кўрган оталиқ ташкилоти — вилоят Ирригация қурилиш ҳиссадорлик жамиятининг тумандаги шўъба корхонаси ҳам шошиб қолди. Унинг чекига янги қозонхона қуриш тушди. Тумандаги бели бақувват жамоалар жалб этилди. Кўпдан қуён қочиб қутулармиди, 16 миллион сўмлик миқдорда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг мактаб биноси бинойи бўлди-қолди. Янги ўқув йили арафасида АҚШнинг халқаро «IREX» ташкилоти сўнгги нусхадаги компьютерлар мажмуасини туҳфа қилган куни ўқувчиларнинг бир қувончига минг қувонч қўшилди.

— Шароит яхшиланса, ишда унум кучаяр экан, — дейди мактаб директори Валижон Қўзиев. — Синфхоналар, спорт зали, лабораторияга кириб, гапнинг рости, яйраб кетаман. Буёғидан келсангиз, илгари шароит йўқлигидан жамоамизни тарк этган ўқитувчилар ҳам қайтиб келишди. Биласизми, олдинги йили 36 нафар ўқувчимиз туман марказидаги мактабга кетиб қолганди. Бари яна ўртоқлари ёнига қайтди, ҳатто лицейдагилари ҳам.

Попнинг чекка қишлоғи — Иттифоқдаги 61-мактаб жамоаси ҳам ҳуқуқшунослар ташаббуси билан замонавий бинога ёлчиди. Гап шундаки, бундан икки йил аввал болалар омонат вагон-синфхоналарда сабоқ олишарди. Жамоатчилик эътибори қаратилгач, мактаб қуришга кўмаклашаман деганлар белни маҳкам боғлашди. 43 миллион сўм сарфлаб, бир қаватли кўркам бино тиклашди. Янги парта, стол-стуллар келтирилди. Вилоят ва туман халқ таълими идоралари 17 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари беришди. Таълим тўққиз йилликдан ўн бир йилликка ўтказилди. Наманган шаҳридаги Абдураҳмон Жомий номли 28-мактабда ҳам бинони мукаммал таъмирлашда, янги жиҳозлар сотиб олишда ҳомийлар бош-қош бўлишди.

Вилоят прокуратурасининг ҳар бир туманда таъмирга муҳтож бўлган биттадан мактабни оталиққа олиши халқ таълими бошқармасига чинакам мадад бўлди. Тизим ходимлари янгиланган мактабларда машғулотлар сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирларини кўришга киришдилар. Пировард-натижа ёмон эмас. Ўқувчилар ўзлаштириши, битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш даражаси кескин кўтарилди.

Ҳар қандай ташаббус давомийлиги билан қимматли. Шу жиҳатдан олганда таълим соҳаси ходимлари ва ҳуқуқшунослар ҳамкорлиги анъанага айланганини табриклаш лозим.

— Туманларнинг энг чекка қишлоқларида яна биттадан мактабни янги ўқув йилига намунали тайёрлаш бўйича амалий ишга киришган пайтимизда Президентимизнинг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилингани айни муддао бўлди, — дейди вилоят прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат қилиш бўйича катта ёрдамчиси Собиржон Норбўтаев. — Бизда назоратга олинган мактабларнинг паспорти ишлаб чиқилган. Шу асосда ҳар бир ўқув даргоҳининг моддий-техник базаси, ички ва ташқи коммуникацияси, бошқа ёрдамчи бинолари ҳолати баҳоланган.

Умуман олганда, вилоятда мактаблар фаолиятини мукаммал йўлга қўйиш соҳасидаги муаммолар етарли. Жумладан, уларнинг 70 фоизида машғулотлар икки сменада олиб борилмоқда. Қурилиши тугалланмаган 25 та мактаб бор. 142 та ўқув маскани мослаштирилган бинода, 278 та мактабда спорт зали йўқ. Бошланган ташаббус аҳволни бирмунча юмшатишга имкон берган бўлса-да, ҳали ишлар кўлами анча катта.

Дарҳақиқат, мактабга юз бурган, ўқувчию муаллимга қайишган одам кам бўлмайди. Соҳани ривожлантириш юзасидан қабул қилинган Фармойиш янги-янги ташаббусларга йўл очади. Айтиш мумкинки, Наманганда бошланган хайрли иш янада кенг қулоч ёяди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЮРТ ЮЗИ

Тушунтириш хатини қабул қилиб олган Бахтиёр аканинг айтишича, бозорда майда ўғирликлар билан шуғулланувчи аёллар анчагина экан. Қолаверса, бундай ўғирликлар ҳар куни содир этиларкан. Қанча-қанча деҳқонларнинг шўри қуриркан. Уларнинг кўплари маҳсулоти топилганидан хурсанд бўлиб шикоят ҳам ёзмасмиш. Яъни жиноят иши очилса, югур-югури кўп бўларкан. Шунинг учун деҳқонлар ўз даъвосидан кечишга мажбур эмиш. Бундай шароитда жиноят бўлими ходимлари ўғриларга қарши кураша олмас экан.

Суҳбатимиз мобайнида посбонлар, мелисалар кириб-чиқиб туришди. Улар ҳам бу воқеадан хабардор чоғи, шеригимга сотиб юборилган бодрингсиз ҳеч бир натижага эришилмаслигини тушунтиришга уринишди.

Ниҳоят икки-уч соатлардан сўнг Нурматов милиция терговчиси Шермат Абдиалиевни бошлаб келди. Хурсанд бўлиб турганимизда, терговчи тўсатдан хонадан ҳаммани чиқариб юбориб, мени алоҳида олиб қолди.

Хуллас, терговчи ҳам бу ўғирлик бўйича жиноят иши очмасликка уриниб кўрди. Мени муросага чақирди. Агар мен бағритошлик қилиб, ўз сўзимда қатъий турсам, айбдорларнинг оиласи, бола-чақаси боқувчисини йўқотармиш.

Нима бўлганда ҳам, барибир жиноят иши очилди. Қолгани терговчиларнинг, судьяларнинг ҳукмига ҳавола...

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Олибсотарлар маскани

— Мақолада жуда ўринли гаплар айтилган, — дейди Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғида яшовчи Нурбек Раҳимов. — Деҳқон бозорларимизни деҳқонлар эмас, аксинча, асфальтга уруғ қадаб, ўша ерда «ҳосил етиштирган» чаққонлар эгаллаб олган. Улар ойда, йилда бир бозорга келган деҳқоннинг қопини ерга теккизмай қоқи баҳосида сотиб олишадида, тенг баробар қимматига пуллашади. Пештахтаям, тарозиям ўшаларда. Бозор мутасаддилари ана шу «кунда-шунда»ларга бир нима деёлмайди, солиқ идоралари ходимлари эса бепарво. Агар улар деҳқонларга қайишганида, аввало, бозорларимизда арзончилик бўларди. Бозор ташқарисида «қўлбола» бозорлар пайдо бўлмасди. Энг ачинарлиси, ёғфурушлар, шакарфурушлар, унфурушлар бозордан деҳқонларни сиқиб чиқариб, пештахталарнинг ҳокими мутлақига айланмасди.

Нурбек Раҳимовнинг куюнчаклик билан айтган сўзларида жон бор. Вилоятнинг Хўжаобод, Марҳамат, Балиқчи туманлари ва Асака, Шаҳрихон шаҳарлари бозорлари ташқарисида «қўлбола» бозорлар пайдо бўлди. Пахтаободдаги «Деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли расталарнинг асосий қисмини олибсотарлар эгаллаб олдилар.

— Бу аслида деҳқон бозорими ёки ўсимлик ёғи сотиладиган жойми? — сўраймиз бозор раҳбари Шуҳрат Иброҳимовдан. — Умуман, кундалик истеъмол учун зарур саккиз хил маҳсулот бозорларда, бунинг устига, турғун савдо шохобчаларида эмас, балки очиқ жойларда бемалол сотиляпти-ку?

Бозор раҳбари жўяли гап айтолмагач, солиқ идорасининг бу ерга биркитилган вакили бор-йўқлигини суриштирдик.

— Ҳамидулло Жалолов зарур иш билан вилоят марказига кетган, — деди у. — Ҳализамон келиб қолса керак.

Бозорни ёнлаб ўтган катта асфальт йўл бозор куни тўсиб ташланади. Йўл ўрнини бозор эгаллайди. Бозор ташқарисидаги бозорда, асосан, қишлоқлардан келган оддий деҳқонлар савдо қиладилар.

— Кўчада савдо қилсак-да, бизлардан ҳам патта пули олишяпти, — дейди «Гулистон» ширкат хўжалигидан картошка келтирган Бойназар Эргашев.

— Ичкаридан жой тегмагани учун кўчада савдо қиляпман, — ҳасратланади қовурилган маккажўхори сотаётган Гулбаҳор Нишонова. — Шундай эса-да, патта пули талаб қилишади. 100 сўм бермасангиз, қутилмайсиз.

Еймачилар, нон сотаётганлар, хуллас, йўл усти бозоридагилар ичкаридаги расталарни ёғфурушлар, совунфурушлар эгаллаб олганликларини, турғун савдо шохобчаларининг кўпчилигида назорат касса аппаратлари йўқлигини ачиниш билан айтишди. «Бу ҳол қачонгача давом этаркин?», дея зорланишди.



Афтидан, бу ерга туман раҳбарлари, хусусан, солиқ идораси масъулларининг қадами етмаган. Акс ҳолда, деҳқон бозори олибсотарники эмас, деҳқонники бўларди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кўчадаги гўшт

«Бозор: унинг имкониятлари, имтиёзлари, имдодлари» мақоласини ўқиб, кўпдан буён ўйлаб юрган фикрим чарақлаб кетгандай бўлди. Гўшт харид қилиш учун «Чорсу» бозорига йўл олдим. Бозорга кетаверишда одамлар гавжум. Биров кийим, биров ёғ, биров сарёғ, яна аравада, сумкада, қўлда гўшт сотиб юрган йигитлар, қизлар, аёллар бисёр. Ўйлаб қаралса, бу ҳолат, бир томондан, қулай: камроқ юриб, вақтни тежаб дарров гўшт харид қилиш ҳам мумкин. Лекин гўшт маҳсулотларининг мана шундай кўчаларда , йўлакларда - оёқ остида сотилиши тўғримикан? Бу гигиенага хилоф эмасми? Бу сотувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтганига ким кафолат бера олади?

Яна шуниси ҳам борки, сотувчилар бозорга етиб олишингга имкон ҳам беришмайди. Гўшт қандай қилиб сумкангга тушиб қолганини ҳам билмай қоласан. Баъзан қайтариб беришга уялганингдан пулини тўлаб олиб кетаверасан. Бозор ичида қурилган расталардаги гўштлар эса харидорини кутиб ётаверади. Ачинарлиси, бу ҳолатларни кўплаб бозорларимизда учратиш мумкин. Бозор мутасаддилари шу масалани ҳам бир ўйлаб кўришса, соз бўларди.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**

*Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, банк тизими зиммасига иқтисодиётда етакчи, яъни локомотив ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида пул оқимларининг мутаносиб айланишини таъминловчи ўзига хос қон томири вазифаси юклатилган. Бу вазифа қай даражада бажарилаётганлигини мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар — корхоналар, ташкилотлар, тадбиркорлар ва ҳатто аҳолининг турли қатламлари кўриб- билиб турибди. Энг муҳими, молиявий муассасалар томонидан кўрсатилаётган хизмат турлари йилдан-йилга кўпайиб, улар жаҳон андозалари талабларига жавоб бермоқда.*

*Республикамизда ўз капиталининг ҳажми, активлари миқдори ва бажараётган ишлари кўлами бўйича йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланган акциядорлик тижорат банки — "Ғаллабанк" ҳам ҳукуматимиз томонидан ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларда, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, қишлоқ жойларида бозор инфратузилмаларини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, банк хизматлари бўйича соғлом рақобат муҳитини яратиш борасида фаол иш юритмоқда.*



## Молия бозори:

# «Ғаллабанк» ўз ўрнини эгалламоқда

Ўтган 2003 йилда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг суръатлари таъминланиб, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва пуллик хизматлар бўйича асосий кўрсаткичларнинг ўсишига эришилганлигидан хабардормиз. Миллий валютамиз қадри тобора мустаҳкамланиб, инфляция даражаси камайди.Бунинг натижасида аҳолининг реал даромадлари ортди. Бу ҳолат мамлакат банклари фаолиятининг барқарор ривожланиши билан ҳамоҳанг тарзда кечди.

Жумладан, айни пайтда "Ғаллабанк"нинг 32 та филиали ва 46 та мини банки ҳамда 93 та жамғарма шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 43900 дан ортиқ мижозларга сифатли хизматлар кўрсатилмоқда. Банк Кенгаши тасдиқлаган унинг фаолиятини бошқариш бўйича ички сиёсат, хусусан, "Кредит", "Ликвидлик", "Инвестиция" сиёсатлари ҳамда бошқа махсус дастурлар асосида иш ташкил этилганлиги туфайли, ўтган йили бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Яъни, банкнинг мавжуд активлари ва пассивлари самарали бошқарилиб, ликвидлик ва молиявий барқарорлик таъминланди. Натижада умумий капитал ҳажми ўсиб, якунда 13,3 миллиард сўмни ташкил этди.Бу аввалги йилдагига нисбатан қарийб 3,0 миллиард сўм кўпдир. Бу банк акциядорлик капитали ҳажмининг доимий ошиб бориши, аниқроғи, йил бошида эълон қилинган банк акцияларининг 500,0 миллион сўмлик 9-чи эмиссияси тўла жойлаштирилиб, акциядорлик капитали 4,0 миллиард сўмга етказилгани, акциядорлар сони 5110 тани ташкил қилиб, 976 тага кўпайгани самарасидир, албатта.

Банк, шунингдек, ўзининг йирик корпоратив мижозлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиши, мавжуд ресурсларини иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириши эвазига унинг активлари 2003 йилдагига нисбатан 13,9 миллиард сўмга ёки 20 фоизга ортиб, 76,6 миллиард сўмни ташкил этди. Соф кредит қуйилмалари миқдори эса 62,9 миллиард сўмга етди. Пировардида ҳисобот йилида 5500 га яқин мижозлар турли йўналишдаги лойиҳаларини амалга оширишда банк кредитларидан фойдаландилар. Андижон ва Наманган донмаҳсулотлари корхоналари бунга мисол бўла олади. Чунончи, инвестицион маблағлар ҳисобига "Андижондонмаҳсулот" акциядорлик уюшмасининг бош корхонасида таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, унинг ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайди, тайёрланган маҳсулот сифати яхшиланди.

"Намангандонмаҳсулот" акциядорлик уюшмасига ажратилган кредитлар ҳисобига эса бу ерда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган Швейцариянинг "Бюллер" савдо маркасининг замонавий дон янчиш тегирмонлари ўрнатилди. Охир- оқибатда корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайиб, бир кеча-кундузда 250 тонна буғдойни қайта ишлаш имконияти яратилди. Айни кунларда маҳсулотлар ҳатто хорижга экспорт қилинаётир.

Банк нафақат корпоратив ва йирик мижозлар, балки кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ҳам доимий ҳамкорликни мустаҳкамлаб келмоқда. Кейинги йилларда ҳукуматимиз кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор бераётгани туфайли банк хизматидан фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларининг сони 3069 тага, яъни 29,1 фоизга ўсиб, жами 13581 тага етди.

Ўтган йили уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, банк маблағлари ҳисобига 3450,9 миллион сўмлик кредитлар, жумладан, 227 та кичик бизнес субъектига 758,9 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Айни шу маблағлар ҳисобига 1583 та янги иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, эндигина ўз фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳам амалда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, банк бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳамкорликда иш юритиб, янги ташкил этилган 320 та тадбиркорлик субъектига, уларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга жами 401,2 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратди. Ўтган йил мобайнида, шунингдек, банк томонидан 196 та оилавий тадбиркорлик субъектига ҳам 134,7 миллион сўм кредитлар берилди.

Айни чоғда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 802 та тадбиркорнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 2081,4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган эди. Пировардида 1536 та янги иш ўрни очилди. Умуман, бюджетдан ташқари жамғармалар билан яқиндан ҳамкорлик қилинганлиги натижасида улар томонидан ажратилган кредитлар 2002 йилдагига нисбатан 823,3 миллион сўмга кўпайди.

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда банкнинг Имтиёзли кредитлаш Жамғармаси маблағларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Мисол учун, 224 та кичик бизнес субъектига салкам 1324,8 миллион сўм кредитлар йўналтирилди. Ана шу кредит қуйилмаларининг 45 фоизи қисқа ва 55 фоизи эса ўрта ва узоқ муддатли кредитлардир.

Албатта, банк активларини кредитлар негизида шакллантириш, уларни диверсификация қилиш, банкнинг жорий ликвидлилигини таъминлашдаги таъсирини инобатга олган ҳолда, ушбу молиявий муассаса маблағларини активларнинг бошқа турлари, жумладан, факторинг ва лизинг амаллари асосида жойлаштиришга ҳам катта эътибор бераётир. Ўтган йил мобайнида банк ўз мижозларига 2079,1 миллион сўмлик факторинг хизматлари кўрсатиб, уларнинг ўзаро дебиторлик-кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича вақтинчалик қўшимча молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиргани шундан далолатдир. Шу ўринда банк томонидан республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси учун зарур бўлган ускуналар ва дастгоҳларни тайёрлаш мақсадида бултур ўз мижозларига 206,1 миллион сўмлик молиявий лизинг хизмати кўрсатганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.




Айниқса, тармоқнинг асосий таянчига айланаётган фермерлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш — банкнинг устувор муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига биноан, 2003 йилда Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни аванс маблағлари билан таъминлашнинг амалдаги механизми ўрнига фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш усули тажриба сифатида йўлга қўйилди. Ўтган йили банк мазкур вилоятлардаги фермерларга пахта ва ғалла етиштириш харажатлари учун жами 1028,7 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ эса, жорий йилдан бошлаб Андижон, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларидаги фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хомашёси ва ғалла ҳосилини етиштириш билан боғлиқ харажатларини имтиёзли асосларда кредитлаш механизми йўлга қўйилди. Мазкур йўналишдаги банк фаолияти ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, фермер хўжаликларига самарали молиявий хизматлар кўрсатиш аниқ тадбирлар асосида амалга оширилмоқда. Жумладан, имтиёзли кредитлаш механизми жорий қилинган вилоятлардаги фермер хўжаликларини банкка жалб этиш учун туман марказларидан узоқ масофада жойлашган аҳоли пунктларида 10 тадан ортиқ мини банк ташкил қилинди.

Маълумки, ўтган йил мамлакатимиз иқтисодиётида, хусусан, валюта бозорини эркинлаштиришда муҳим ўзгаришлар йили бўлди. Ушбу йўналишдаги ислоҳотларни амалга ошириш учун банк халқаро иқтисодий алоқаларга эга мижозларни жалб этиш, уларнинг эркин алмаштириладиган валюталардаги амалларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, хорижий молия институтлари билан ўзаро ваккиллик алоқаларни ривожлантириш, ички валюта бозорининг шаклланишида фаол қатнашиш, нақд хорижий валюталардаги жорий операциялар ҳажмини кўпайтириш каби вазифаларни ҳам баҳоли қудрат бажаришга эришди. Қолаверса, банкнинг жорий валюта амаллари, айниқса, нақд валютадаги амаллари ҳажмини ошириш, аҳолига валюта айирбошлаш билан боғлиқ банк хизматлари кўрсатиш доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор берди. Якунда жами 56 та, шу жумладан, Тошкент шаҳрининг ўзида 10 дан ортиқ замонавий талаблар асосида жиҳозланган валюта айирбошлаш шохобчалари ишга туширилди.

Бундан ташқари, ўтган йили тадбиркорлик субъектларини хорижий кредит линиялари ҳисобига молиялаштириш бўйича ҳам самарали фаолият кўрсатилди. Айтайлик, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳукуматимиз ўртасида қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш дастури доирасида тузилган шартномага мувофиқ, 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги дастлабки транш маблағи тўла ўзлаштирилиб, мақсадли ва самарали лойиҳаларга йўналтирилди. Бошқача айтганда, ушбу кредит линияси маблағлари ҳисобига 35 та корхона томонидан 17 та трактор ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш, уруғчилик, паррандачилик ва асаларичилик каби соҳаларни ривожлантириш бўйича тақдим этилган лойиҳалари молиялаштирилди.

Банк жамоаси томонидан давлат эҳтиёжлари учун дон тайёрловчи ҳамда ғалла етиштириш билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги пул оқимларини ташкил этишдек муҳим вазифа ҳам узлуксиз уддаланмоқда. Ўтган йили республикамизда етиштирилган ғалла маҳсулотлари учун Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғарма маблағлари ҳисобига жами 207,1 миллиард сўмлик маблағ ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилган бўлса, 9,4 миллиард сўмлик маблағ эса шоликор хўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун йўналтирилди.

Банк маблағларининг асосий манбаи — бу юридик айниқса, жисмоний шахслардан жалб қилинган маблағлардир. Шу боис, мазкур йўналишда банк томонидан жалб этиладиган маблағларнинг даромадлилигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, Президентнинг 2000 йил 21 мартдаги "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида аҳолига қулай ва манфаатли бўлган 10 дан ортиқ янги омонат турлари амалиётга киритилди. Натижада, йил якунларига кўра, банкдаги аҳоли омонатларининг ҳажми 4412,9 миллион сўмга етгани ҳолда, уларнинг таркибидаги муддатли омонатлар ҳажми қарийб 80 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, банк қимматли қоғозлар бозоридаги ўз мавқеини ошириш, шу асосда қўшимча маблағларни оборотга жалб этишга ҳам катта эътибор қаратди. Фақат ўтган йили 10 миллиард сўм депозит ва 600,0 миллион сўм омонат сертификатлари муомалага чиқарилиб, уларнинг тўла жойлаштирилгани бунга далил бўла олади.

Аҳолининг бўш пул маблағларини оборотга жалб этишнинг замонавий усулларини амалда қўллаш, аҳолига юксак технологияларга асосланган чакана хизматларни таклиф этиш мақсадида эса банк Франциянинг "Bull" компанияси билан амалий ишлар олиб борди. Бунинг натижасида пластик карточкаларни босқичма- босқич жорий этишни бошлашди.

Фақат шугина эмас. Банк ахборотларини қайта ишлашнинг замонавий технологияларини амалда қўллаш мақсадида 2003 йилнинг май ойидан бошлаб "Ягона вакиллик ҳисоб-варағи" технологияси қўлланилди. Бу ўз навбатида банк бўйича маблағлар, айниқса, вақтинча бўш маблағлардан самарали фойдаланиш, тўловларни, яъни банк филиаллари ичидаги ўзаро пул ўтказишларни янада тезлаштириш имконини берди. Ушбу йўналишни такомиллаштиришда албатта, банк компьютерлар паркининг асосий қисми янгиланиб, талаб даражасига етказилгани муҳим омил бўлди.

Бугунги кунда мазкур молиявий муассаса ўзининг филиаллари тизимини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бермоқда. Ҳозирда республикамизда унинг 32 та филиали фаолият кўрсатаётган бўлса, жорий йил давомида Қумқўрғон ва Янгиобод туманларида ҳам унинг филиаллари очилади. Шу билан бирга, мавжуд банк биноларини замон талаблари асосида, мижозларга қулай тарзда қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари ҳам диққат марказида турибди.

Эътиборлиси, "Ахбор-рейтинг" компанияси томонидан доимий ўтказиладиган рейтингнинг натижаларига кўра, "Ғаллабанк" 2003 йилда умумий кўрсаткичлар бўйича нуфузли учинчи, фойдалилик кўрсаткичи бўйича эса биринчи ўринни эгаллади. Қишлоқ хўжалиги соҳасини молиявий қўллаб-қувватлашдаги банкнинг муваффақиятлари ҳам нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланди. Хусусан, Европанинг Маркетинг тадқиқотлари маркази ўтказган кўрикда "Ғаллабанк" "Агробизнес-2003" танлови ғолиби, деб топилиб, махсус соврин ҳамда диплом билан тақдирланди.

Умуман, универсал мақомига эга "Ғаллабанк" мамлакатимиз иқтисодиёти, молия бозорида ўз ўрнини топиб, уни тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Ўтган даврда эришилган ютуқларни янада кўпайтириш бу жорий йилда ўзининг ўн йиллигини нишонлайдиган молиявий муассасанинг асосий вазифаларидан биридир.

### Сўз — мижозлар ва акциядорларга

**Баҳромжон ЖАЛОЛОВ, "Андижондонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик уюшмаси раиси:**

— Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, бизнинг акциядорлик уюшмамиз ҳам вилоятимиз деҳқонлари етиштирган ғалла ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олиш, сара уруғлик тайёрлаш, донни қайта ишлаш, сақлаш, шунингдек, аҳолини сифатли ун, нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш каби хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, кейинги йилларда вилоятимизда ғалла етиштириш, уни давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш, қайта ишлаш борасида катта ишлар қилинди. Дон ишлаб чиқариш имкониятлари ортиб боргани сайин халқимизнинг сифатли ун ва ун маҳсулотиларига бўлган эҳтиёжи ҳам кўпаймоқда. Шу боис уюшманинг иқтисодий имконияти, самарадорлигини ошириш, сифатли маҳсулот тайёрлаш учун "Ғаллабанк"нинг Андижон минтақавий филиалидан 1500 миллион сўм миқдорида инвестицион кредитлар жалб этилди. Ажратилган маблағлар ҳисобига бош корхонада катта ҳажмдаги қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Уюшма ва унинг корхоналари томонидан турли тадбирларни бажаришда банкнинг қисқа муддатли кредитлари ҳам ниҳоятда қўл келмоқда. Биз акциядор сифатида банк эришаётган ютуқлардан манфаатдормиз.

### Сўз — мижозлар ва акциядорларга

**Наримон БЕКЧОНОВ, Янгибозор туманидаги "Омад" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Давлатимиз раҳбарининг фермерлик ҳаракатини ривожлантириш тўғрисидаги сўзларидан руҳланиб, фермер хўжалиги ташкил қилган эдим. Ҳозир ишимиз ёмон эмас. Кўрсатгичлар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили, масалан, пахта ва ғалла тайёрлаш шартномавий режаларини ортиғи билан уддалаб, 11430 минг сўм соф фойда олишга муваффақ бўлдик.

Лизинг асосида трактор сотиб олиш мақсадида "Ғаллабанк"нинг Хоразм филиалига мурожаат қилгандик. Бултур 16,5 миллион сўм қийматидаги "Т-4" занжирли трактори ажратилди. Бу бизга экинларни ўз вақтида парвариш қилиш ва юқори ҳосил етиштириш имконини бермоқда.

**Ҳусниддин МИРХАЛИЛОВ, Оҳангарон туманидаги "Барака парранда" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Биз ўтган йили "Ғаллабанк"нинг Оҳангарон филиалида ўз ҳисоб рақамимизни очган эдик. Айниқса, банкнинг кичик бизнесни ривожлантиришимизда кўрсатаётган ёрдамидан хурсандмиз. Бизга паррандачиликни тараққий эттириш учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан 47 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган эди. Бу маблағ эвазига 16 та янги иш ўрни яратилди, 114,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ҳаммаси ички бозорда сотилди.

**Банкнинг матбуот хизмати.**

## 10 йил: муҳим саналар

**1994 йил.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 311-сонли қарорига асосан, республика ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат "Ғаллабанк"и ташкил этилди. Шу йилнинг август ойида эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 20-сонли Бош лицензияни олди.

Ноябрь ойида банкка Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чет эл валютасида амалиётларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензия берилди.

Филиаллар сони 12 тани, ходимлар сони 160 нафарни ташкил этди.

**1995 йил.** Банк устав капитали 50 млн. сўмга, банк активлари 7 425 млн. сўмга етказилди.

Иккита эмиссиядан иборат бўлган умумий қиймати 350 млн. сўмлик банк векселлари муомалага чиқарилиб, улар дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда етиштирувчи корхоналар ўртасида ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситасини бажара бошлади.

Ўзбекистон банклар уюшмаси таъсисчилари қаторида унинг аъзолигига кирди.

Филиаллар сони 20 тага, жамғарма шохобчаси сони 1 тага, ходимлар сони 561 нафарга етди.

**1996 йил.** Банк устав капитали 150 млн. сўмга етказилиб, банк активлари 10 541 млн. сўмни ташкил этди.

Банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозлар бозорида шунга боғлиқ фаолиятни инвестиция воситачи сифатида амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олди.

Республика "Тошкент" фонд биржасида банкнинг 170-сонли брокерлик идораси очилди.

Давлат қисқа муддатли облигациялари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий ва ваколатли дилерига айланди.

Эмиссия ҳажми 370 млн. сўмлик банк векселлари муомалага чиқарилди. "Ўздонмаҳсулот" ДАК томонидан дон маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга етиштирилган ғалла маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилиш ҳамда келгуси йил ҳосили учун бўнаклаш мақсадида жами 6174 млн. сўмлик векселларнинг муомалага чиқарилишида ҳамкорлик қилди.

Филиаллар сони 24 тани, жамғарма шохобчалари сони 3 тани, ходимлар сони 718 нафарни ташкил қилди.

**1997 йил.** Банк устав капитали 300 млн. сўмга, банк активлари 34043 млн. сўмга етди.

Филиаллар сони 25 тани, жамғарма шохобчалари сони 18 тани, ходимлар сони 834 нафарни ташкил этди.

**1998 йил.** Банк устав капитали 450 млн. сўмга, банк активлари 27206 млн. сўмга



тенг бўлди.

Филиаллар сони 27 тага, жамғарма шохобчалари сони 13 тага, валюта айрибошлаш шахобчалари сони 13 тага, ходимлар сони 821 нафарга етказилди.

**1999 йил.** Банк устав капитали 1 200 млн. сўмни, банк активлари 54723 млн. сўмни ташкил этди.

Республикамизда етиштирилаётган ғалла ва бошоқли дон маҳсулотларининг ҳисоб-китоб механизмида аккредитив шакли қўлланила бошлангани туфайли банкка ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Молиявий агенти сифатида иштирок этиш мақоми берилди.

Филиаллар сони 29 тани, жамғарма шохобчалари сони 17 тани, ходимлар сони 960 нафарни ташкил қилди.

**2000 йил.** Банк устав капитали 1700 млн. сўмга, банк активлари 52 962 млн. сўмга етди.

Банк акциялари республика "Тошкент" фонд биржасида жорий этилган листинг шохобчасининг "А" гуруҳига киритилди.

Филиаллар сони 29 тани, мини банклар сони 2 тани, жамғарма шохобчалари сони 25 тани ва ходимлар сони 1044 нафарни ташкил этди.

**2001 йил.** Банк устав капитали 2 500 млн. сўмга, банк активлари 75 330 млн. сўмга етказилди.

Банк томонидан аҳоли бўш пул маблағларини қисқа муддатга жалб қилиш мақсадида дастлабки эмиссия миқдори 50 млн. сўмлик, жисмоний шахс учун нақд кўринишда тақдим этувчига ёзиб бериладиган омонат сертификатлари республика молия бозорида муомалага чиқарилди.

Филиаллар сони 30 тани, мини банклар сони 15 тани, жамғарма шохобчалари сони 37 тани ва ходимлар сони 1178 нафарни ташкил этди.

**2002** йил. Банк устав капитали 3 181 млн. сўмга, банк активлари 76 175 млн. сўмга етди.

Банкнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ҳамда мижозларга кўрсатилаётган хизмат турлари кўламини кенгайтириш мақсадида мижозларга акциядорлар рўйхатини юритиш ва депозитарий фаолияти бўйича хизмат кўрсатувчи "Прогноз -Плюс" шўъба корхонаси ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур депозитарийда 150 млрд. сўмлик қимматли қоғозлар ҳисоби юритилмоқда.

Юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида дастлабки эмиссия ҳажми 2 млрд. сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилди.

Мини банклар сони 31 тани, жамғарма шохобчалари сони 43 тани ва ходимлар сони 1343 нафарни ташкил қилди.

**2003 йил**. Банк устав капитали 4 миллиард. сўмга, банк активлари 104 534 млн. сўмга тенг бўлди.

Европа Маркетинг тадқиқотлари маркази (EMRC) томонидан банк қишлоқ хўжалиги соҳасини молиялаштиришда эришган ютуқлари учун "Агробизнес-2003" танловининг махсус мукофотига сазовор бўлди.

Банк акциялари республика "Тошкент" фонд биржасида жорий этилган листинг шохобчасининг "А" гуруҳига қайтадан киритилди.

Филиаллар сони 32 тани, мини банклар сони 46 тани, жамғарма шохобчалари сони 76 тани, ходимлар сони 1363 нафарни ташкил этди.

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси

чет эл олий ўқув юртлари ва илмий марказларида малака ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг якка тартибдаги (узоқ муддатли) ва гуруҳ учун (қисқа муддатли) грантларига совриндорлар танлови бошланишини Э Ъ Л О Н  Қ И Л А Д И.

**Танлов қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилади:**

- Информацион технологиялар
- Менежмент
- Маркетинг
- Молия ва кредит
- Бизнесни бошқариш
- Суғурта бизнеси
- Ижтимоий-гуманитар йўналиш
- Халқаро иқтисодий алоқалар
- Сиёсатшунослик
- Педагогика
- Социология ва психология
- Юриспруденция
- Халқаро ҳуқуқ
- Кончилик саноати
- Транспорт
- Нефть ва газ саноати
- Муҳандислик фанлари
- Электроэнергетика
- Технологик машиналар ва жиҳозлар
- Кимё технологиялари ва биотехнологиялар
- Авиасозлик
- Озиқ-овқат саноатини механизациялаш
- Қишлоқ хўжалиги
- Экология
- Медицина
- Ветеринария
- Ўзбекистон тарихи
- Журналистика
- Телекоммуникация
- Туризм

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2004 йил 10 апрелгача қабул қилинади.*

***Грант совриндори бўлиш учун танлов синовларида иштирок этишга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:***

- *жамғарма бошқаруви раиси номига ариза;*
- *белгиланган намунадаги шахсий варақа;*
- *чет тилини билиши тўғрисида сертификат ёки тасдиқловчи ҳужжат;*
- *нашр қилинган илмий ишларининг рўйхати ва ихтироларининг иқтисод соҳаларида ишлатилганлиги ёки татбиқ этилган бўлса, уни тасдиқловчи ҳужжат;*
- *олий ўқув юртини битирганлиги, фан номзоди, фан доктори илмий даражаси ва доцент, профессор илмий унвони ҳақидаги дипломларнинг нусхаси;*
- *ариза берувчи ишлаётган ташкилот раҳбари (илмий кенгаш тавсияси асосида) томонидан тавсиянома;*
- *паспорт нусхаси (асл ҳужжат топширилишида кўрсатилади);*
- *ҳужжатлар учун жилд ва конверт;*
- *3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.*

***Грант танловлари 2004 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтади.***

**I. Якка тартибдаги узоқ муддатли (3, 6, 10 ой) грант учун танлов синовлари қуйидаги босқичларда бўлиб ўтади:**

**1-босқич**. Ўқув ва илмий муассасалар илмий кенгашлари томонидан тавсия қилинаётган талабгорнинг Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари бўйича дунёқараши, унинг тарих, маданият ва маънавият соҳасидаги билимлари ҳамда мутахассислик савиясини аниқлаш бўйича суҳбат;

**2-босқич**. Талабгорнинг чет тилларидан бирини билиш ҳамда информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги билимлари юзасидан имтиҳон.

Якка тартибдаги узоқ муддатли грант учун якуний қарорни жамғарма маъмурияти томонидан ташкил этилган ва бошқарув раиси томонидан тасдиқланган мандат комиссияси қабул қилади.

**II. Қисқа муддатли грант учун танлов синовлари қуйидаги босқичларда бўлиб ўтади:**

**1-босқич**. Ушбу босқич талабгорнинг танлаган йўналиш бўйича иқтидорини ва билим савиясини аниқлаш мақсадида тавсия этган таълим муассасасининг махсус комиссияси томонидан ўтказилади ва илмий кенгаш қарори билан расмийлаштирилади;

**2-босқич**. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан талабгорнинг дунёқараши, унинг тарих, маданият ва маънавият соҳасидаги билимлари ҳамда мутахассислик ва чет тилларидан бирини билиш савиясини аниқлаш бўйича суҳбат-имтиҳон.

Қисқа муддатли грантлар учун ўтказиладиган танловларнинг 2-босқичи жамғарма томонидан ташкил этилган махсус комиссия томонидан ўтказилади.

Барча синовлардан муваффақиятли ўтган талабгорлар жамғарма гранти совриндорлари ҳисобланади ва бу ҳақда расмий равишда улар ишлаётган ташкилотларга хабар берилади.

**Вилоятлардан жамғарма грантларига даъвогарлар ҳужжатларни расмийлаштириш ва маслаҳатлар олиш учун қуйидаги манзилларда жойлашган жамғарма бўлимларига мурожаат қилиши мумкин:**

| Вилоят | Ташкилот | Код | Телефон | Факс | Манзил |
|---|---|---|---|---|---|
| Андижон | Андижон давлат университети | (3742) | 22-10-76, 25-05-09 | 22-18-63 | Андижон ш., Университет кўчаси, 129-уй |
| Бухоро | Бухоро давлат университети | (3652) | 23-23-14, 23-51-84 | 23-12-54 | Бухоро ш., Ўзбекистоннинг 40 йиллиги кўчаси, 11-уй |
| Жиззах | Жиззах давлат педагогика институти | (3722) | 26-13-57, 26-03-47 | 26-59-09 | Жиззах ш., Носиров кўчаси, 4-уй |
| Қорақолпоғистон Республикаси | Қорақолпоқ давлат университети | (3612) | 23-60-78, 23-60-47 | 23-60-78 | Нукус ш., Университет кўчаси, 1-уй |
| Қашқадарё | Қарши давлат университети | (3752) | 23-54-37, 23-48-55 | 23-95-71 | Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй |
| Навоий | Навоий кончилик институти | (4362) | 24-90-21, 24-81-82 | 24-90-41 | Навоий ш., Южная кўчаси, 27 «а»-уй |
| Наманган | Наманган давлат университети | (3692) | 36-55-01, 36-30-90 | 36-61-07 | Наманган ш., Уйчи кўчаси, 316-уй |
| Самарқанд | Самарқанд давлат университети | (3662) | 35-19-38, 35-64-90 | 35-27-24 | Самарқанд ш., Навоий кўчаси, 15-уй |
| Гулистон | Гулистон давлат университети | (3672) | 25-45-72, 25-02-75 | 25-40-42 | Гулистон ш., 4-микрорайон |
| Термиз | Термиз давлат университети | (3762) | 2-87-16, 3-19-08 | 2-87-16 | Термиз ш., Ф.Хўжаев кўчаси, 43-уй |
| Фарғона | Фарғона давлат университети | (3732) | 24-70-13, 24-28-41 | 24-35-32 | Фарғона ш., Усмонхўжаев кўчаси, 19-уй |
| Урганч | Урганч давлат университети | (3662) | 26-61-66, 26-46-97 | 26-35-44, 26-17-39 | Урганч ш., Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй |

***Ҳужжатларни қабул қилиш ва танлов босқичларини ташкил этиш бўйича танлов ҳайъати қуйидаги манзилда ишлайди:***

**Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй, "Истеъдод" жамғармаси биноси.**

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 132-60-16, 132-62-40.**

**«Истеъдод» жамғармаси маъмурияти.**


UZDUNROBITA International

Уздунробита Ўзбекистон МОҚнинг бош ҳамкори

## Барча мамлакатларга қўнғироқ қил!

Баъзи йўналишлар бўйича нархлар

| Мамлакат | Тариф (1 дақиқа учун нарх UNITда) | Тариф (1 дақиқа учун нарх сўмда) |
|---|---|---|
| **Шимолий Америка** | | |
| АҚШ | 0,59 | 590 |
| Канада | 0,59 | 590 |
| **Жанубий Америка** | | |
| Бразилия | 0,69 | 690 |
| Чили | 0,59 | 590 |
| Перу | 0,69 | 690 |
| **Марказий Америка** | | |
| Мексика | 0,69 | 690 |
| Коста Рика | 0,69 | 690 |
| Бермуд ороллари | 0,69 | 690 |
| **Европа** | | |
| Франция | 0,59 | 590 |
| Франция (мобил) | 0,99 | 990 |
| Германия | 0,59 | 590 |
| Германия (мобил) | 0,99 | 990 |
| Финляндия | 0,59 | 590 |
| Монако | 0,59 | 590 |
| Италия | 0,59 | 590 |
| Италия (мобил) | 0,99 | 990 |
| Кипр | 0,69 | 690 |
| Греция | 0,59 | 590 |
| Исроил | 0,69 | 690 |
| Туркия (Истамбул) | 0,69 | 690 |
| **Осиё** | | |
| Хитой | 0,59 | 590 |
| Япония | 0,59 | 590 |
| Япония (мобил) | 0,99 | 990 |
| Жанубий Корея | 0,59 | 590 |
| Малазия | 0,59 | 590 |
| Гонконг | 0,59 | 590 |
| Сингапур | 0,59 | 590 |
| Тайвань | 0,59 | 590 |
| Индонезия | 0,69 | 690 |
| Индонезия (мобил) | 0,99 | 990 |
| **Африка** | | |
| Миср | 0,99 | 990 |
| Жанубий Африка | 0,69 | 690 |
| Нигерия | 0,99 | 990 |
| **Австралия** | | |
| Австралия | 0,59 | 590 |

NEW!

"Uzdunrobita International" Халқаро карточкалари




"Uzdunrobita International" карточкалари компаниянинг офисларида сотилмоқда.

NEW! Уздунробита GSM тармоғи Бухоро вилоятининг Зафаробод шаҳрида ишлай бошлади!

Ҳисоб учун 1 UNIT = 1000 сўм. (нархларга барча солиқлар киритилган)

Мамлакатлар ва нархларнинг батафсил рўйхатини www.uzdunrobita.uz сайтида кўриш мумкин.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН


## ХАРИД ТЎҒРИСИДА МАХСУС ЭЪЛОН
## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

**"ЎЗБЕКИСТОН: ТОЗА СУВ, САНИТАРИЯ ВА САЛОМАТЛИК" ЛОЙИҲАСИ ОРОЛ ДЕНГИЗИ ДАСТУРИ №5.1**

**"СУВНИ ШЎРСИЗЛАНТИРИШ УСКУНАЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАШ"**

Заем №4216UZ

"Қорақолпоқистонда сувни шўрсизлантириш ускуналарини қайта таъмирлаш: 5та сувни шўрсизлантирувчи ускуналарни алмаштириш тўғрисида"ги 60-сонли шартнома

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (Молия вазирлиги) томонидан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан (ХТТБ) "Ўзбекистон: тоза сув, санитария ва саломатлик" лойиҳасини амалга ошириш учун кредит маблағи (заем) олинган. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги масъуллигида амалга оширилмоқда. ХТТБ кредит маблағларининг бир қисми "Қорақалпоқистонда сувни шўрсизлантириш ускуналарини қайта таъмирлаш: 5та сувни шўрсизлантирувчи ускуналарни алмаштириш тўғрисида"ги 60-сонли шартнома бўйича тўловлар учун ишлатилиши мўлжалланмоқда.

Мазкур тендер ХТТБнинг амалдаги қоидалари ва тартиблари асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ) тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларни Қорақалпоқистондаги сувни шўрсизлантириш ускуналарини қайта таъмирлаш бўйича ўзларининг таклифлари билан ушбу тендерда қатнашишга таклиф этади.

Тендер бўйича асосий қурилиш ишлари қуйидагиларни ташкил этади:
а) мавжуд сувни шўрсизлантириш ускуналарини қайта таъмирлаш;
б) тегишли ишларни амалга ошириш билан биргаликда 5та сувни шўрсизлантириш станцияларини тўлиқ алмаштириш;
в) сувни дезинфекциялаштирувчи ускуналарни етказиб бериш.

Қурилиш муддати — 6 ой.

Тендерда иштирок этиш учун ариза берган шахслар бошқа талаблардан ташқари қуйидаги минимал талабларга жавоб беришлари шарт:

- бош пудратчи сифатида ўртача йиллик айланмаси ҳажми 1 млн. АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлиши лозим;
- минимал талаб этиладиган қурилиш ишлари йиллик ҳажми сўнгги 5 йилда 1 млн. АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлиши лозим;
- лойиҳа раҳбарининг ўхшаш бўлган соҳадаги иш тажрибаси камида 5 йил бўлиши керак;
- 200.000 АҚШ долларидан кам бўлмаган ликвид маблағга ва/ёки кредит маблағ (лимит)лари олиш имкониятига эга бўлиш;
- охирги 5 йил ичида таркиби ва мураккаблиги жиҳатидан объект билан ўхшаш бўлган камида иккита лойиҳани бош пудратчи сифатида муваффақиятли тугаллаган тажрибага эга бўлиши лозим.

Тендер ХТТБнинг 1995 йил январь ойидаги (1996 йил январь ва август, 1997 йил сентябрь ва 1999 йил январдаги ўзгартиришлар билан) "Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки қарз (заем)лари ва Халқаро тараққиёт ассоциацияси кредитлари ҳисобидан харидлар бўйича қўлланмаси"да белгиланган халқаро савдо танлови тартибига мувофиқ ўтказилади ва ушбу тендер ХТТБнинг қўлланмасида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқли давлатлардан бўлган барча ишрокчилар учун очиқдир.

Қизиқиш билдирган иштирокчилар қуйида кўрсатилган манзил бўйича 2004 йил 15 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 гача тендер ҳужатларини чуқурроқ ўрганишлари ва қўшимча маълумотлар олишлари мумкин. Қизиқиш билдирган иштирокчилар тендер ҳужжатларининг инглиз тилидаги тўлиқ тўпламини қуйида кўрсатилган манзилга ўз аризаларини тақдим этганларидан ва қоплаб берилмайдиган 200 АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тўлаганларидан сўнг (2004 йил 1 апрелдан бошлаб) олишлари мумкин. Тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун тўлов ИДАТ "Асакабанк"нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги №20204840400101021002 (код 00416) махсус ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилиши лозим. Маҳаллий иштирокчилар тендер ҳужжатларини 200 АҚШ доллари эквивалентида миллий валютада сотиб олишлари мумкин (ИДАТ "Асакабанк"нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақами №20204840400101021003). Тўлов ҳужжатида "Қорақалпоқистонда сувни шўрсизлантириш ускуналарини қайта таъмирлаш: 5та сувни шўрсизлантирувчи ускуналарни алмаштириш тўғрисида" деб кўрсатилиши керак. Ҳужжатлар экспресс почта орқали юборилади.

Дастлабки танлов мажлиси ва қурилиш жойларини кўриш 2004 йил 22 апрель куни бўлиб ўтади.

Барча тендер таклифлари муҳрланган ҳолда 2004 йил 14 май соат 12 гача қуйида кўрсатилган манзилга етказиб берилиши керак. Барча тендер таклифлари танлов кунидан бошлаб 90 кун мобайнида кучда сақланиши ва 17 000 АҚШ доллари миқдорида гаров сифатидаги танлов таъминотига эга бўлиши лозим. Муддатдан кеч келиб тушган тендер таклифлари кўриб чиқилмайди. Тендер таклифлари қуйида кўрсатилган манзилда 2004 йил 14 май соат 12.00 да очилади. Тендер таклифлари очилишида тендерда иштирок этишга даъвогарларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин.

***Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, Жамшид Умаров (харидлар бўйича мутахассис), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги,***
***700003, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ўзбекистон кўчаси, 45 «а»-уй.***
***Телефон: +998 (71) 132-64-39. Факс: +998 (71) 132-63-19. Эл. почта: uzbwater@uzsci.net***


ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ • STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK • BANK

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона



# Кўпники — кўл

**Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Гулистон маҳалласи шаҳардаги энг гавжум масканлардан бири. Бу ерда турли миллат вакилларидан ташкил топган 14 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Кўп йиллардан буён бу ерда Наврўз айёми биргаликда нишонланади.**



— Маҳалламиз асосан кўп қаватли уйлардан иборат, — дейди маҳалла фаоли Баҳодир Иброҳимов. — Илгари уларнинг аксарияти битта том остида яшаб ҳам бир-бирларини танимасди. Ўтказаётган тадбирларимиз эса одамларнинг яқиндан танишишига, қўни-қўшничилик қилишига сабаб бўлаяпти. Биз учун Наврўзни нишонлаш фақат дастурхон атрофига йиғилиб, ўйин-кулги қилиш эмас. Байрам баҳона турли мусобақалар ўтказамиз. Қизлар меҳмон кутиш, таом пишириш бўйича, йигитлар эса ота-онага муносабат, оилани бошқариш борасида баҳслашадилар. Донишманд фахрийлар уларнинг топқирликларини баҳолайди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА.**

**СУРАТДА: Гулистон маҳалласида ўтган Наврўз тадбиридан лавҳалар.**

# Шукуҳли лаҳзалар



Наврўз нафаси

***Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Мискин» маҳалласида «Меҳр ва мурувват — олий ҳиммат» деб номланган адабий-мусиқий хайрия анжумани бўлиб ўтди.***

Тадбирда Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият маркази, Республика «Нуроний» жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайри жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Тадбирда ҳомий ташкилотлар маҳаллада яшовчи ногирон, боқувчисини йўқотган қариялар ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига совғалар топширишди. «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Э. Боқибоев бошчилигида иштирок этган бир гуруҳ фахрийлар суннат тўйи бўлаётган болаларга яхши ният билан гилам тақдим этишди.

**У. ИСОМХОНОВ,**
**меҳнат фахрийси.**


## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига мувофиқ, Creditanstaltbank (Австрия) компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда **"Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг** 33 фоиз акцияларини сотиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади.

"Ўзметкомбинат" АИЧБ Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида жойлашган. Корхона 1944 йилда қурилиш индустриясида ишлатилаётган металлопрокат ва тоғ-кон корхоналари учун туйиш шарларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилиб, қурилган эди. "Ўзметкомбинат" АИЧБ Ўзбекистон Республикасида қора металлургиянинг ягона корхонаси ҳисобланади.

"Ўзметкомбинат" АИЧБнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 33 фоизини ташкил этувчи 1 100 350 (бир миллион юз минг уч юз эллик) дона эгасининг номи ёзиладиган оддий акциялар сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 51 280 000 (эллик бир миллион икки юз саксон минг) АҚШ доллари.

"Ўзметкомбинат" АИЧБнинг 33 фоиз акцияларига энг юқори нарх таклиф этган компания/сармоядор устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари, тендер таклифининг шакли ва акцияларни сотиб олиш шартномаси лойиҳасини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати — 2004 йил 26 апрелда тугайди.
Тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2004 йил 28 июнда тугайди.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

***Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:***
**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,**
**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент,**
**700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават,**

**Улуғбек Каримович Вахабов, бош директор.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-51.**
**Факс: +998 (71) 139-22-79.**
**Эл. почта: ccpbuz@mail.tps.uz**

***Молиявий маслаҳатчи:***
**CA IB Corporate Finance Beratungs**
**Ges.m.b.H Consortium (CAIB)**
**56 Dacia Blvd. sector 2.**
**Бухарест, Румыния,**
**Михай Сфинтеску, директор.**

**Телефон +40 21 210 50 20.**
**Факс +40 21 210 50 55.**
**Эл. почта: msfintescu@ca-ib.ro**

## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan #185 dated April 17, 2003 and with the participation of the Creditanstaltbank (Austria), as the Financial Advisor, hereby announces the following public tender for privatization sale of 33% Share Package of the **Joint Stock Production Amalgamation "Uzmetcombinat"**

The JSPA "Uzmetcombinat" is located in Bekabad city, Tashkent region. The enterprise was constructed in 1944 with the orientation to the manufacturing of metal rolling for construction industry and grinding balls for ore mining enterprises. The JSPA "Uzmetcombinat" is the only factory of the ferrous metallurgy in the Republic of Uzbekistan.

1 100 350 (one million one hundred thousand three hundred fifty) shares of common stock of JSPA "Uzmetcombinat" constituting the aggregate of 33% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 51 280 000 (fifty one million two hundred eighty thousand) US Dollars.

At that, the preference will be given to a company ready to offer the highest bid for the 33% of shares of JSPA "Uzmetcombinat".

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form and Draft Share Purchase Agreement can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Tender Documentation can be purchased till the date of April 26, 2004.
The Bid Submission Deadline is June 28, 2004.

For all issues related to the tender, please contact:

***The Work Body of the State Property Committee:***
**CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau**
**State Property Committee Bldg., 17th Floor**
**Uzbekistanskaya Str. 55**
**700003 Tashkent, Uzbekistan**

**Attention: Mr. Ulugbek Vahabov**
**Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51**
**Fax: +998 (71) 139 22 79**
**Email: ccpbuz@mail.tps.uz**

***The Financial Advisor:***
**CA IB Corporate Finance Beratungs**
**Ges.m.b.H Consortium (CAIB)**
**56 Dacia Blvd. sector 2.**
**Bucharest, Romania**

**Attention: Mr. Mihai Sfintescu**
**Director**
**Telephone: +40 21 210 50 20**
**Fax: +40 21 210 50 55**
**E-mail: msfintescu@ca-ib.ro**

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига мувофиқ, Maxwell Stamp PLC компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда

**«ҚЎҚОНСПИРТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**
**45 фоиз АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА**
**«АНДИЖОН БИОКИМЁ ЗАВОДИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**
**45 фоиз АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА**

бир-биридан мустақил икки тендер ўтказилишини эълон қилади.

**"Қўқонспирт" ОАЖ** Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида жойлашган. Корхона 1985 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилиб қурилган эди. 1989 йилдан бошлаб корхона озиқ-овқат этил спирти ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштирилди. "Қўқонспирт" ОАЖ Ўзбекистон Республикасида спирт ишлаб чиқарувчи энг йирик корхона ҳисобланади.

"Қўқонспирт" ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 45 фоизини ташкил этувчи 4 557 461 (тўрт миллион беш юз эллик етти минг тўрт юз олтмиш бир) дона эгасининг номи ёзиладиган оддий акциялар сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 3 960 000 (уч миллион тўққиз юз олтмиш минг) АҚШ доллари.

**"Андижон биокимё заводи" ОАЖ** Андижон вилоятининг Андижон шаҳрида жойлашган. Корхона 1953 йилда фурфурол-спирт заводи сифатида ишга туширилган. 1991 йилдан корхона этил спиртини ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштирила бошланди. "Андижон биокимё заводи" ОАЖ Ўзбекистон Республикасида спирт ишлаб чиқарувчи иккинчи йирик корхона ҳисобланади.

"Андижон биокимё заводи" ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 45 фоизни ташкил этувчи 241 328 (икки юз қирқ бир минг уч юз йигирма саккиз) дона эгасининг номи ёзиладиган оддий акциялар сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 3 150 000 (уч миллион бир юз эллик минг) АҚШ доллари.

"Қўқонспирт" ОАЖ ва/ёки "Андижон биокимё заводи" ОАЖнинг 45 фоиз акцияларига энг юқори нарх таклиф этган компания/сармоядор устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари, тендер таклифининг шакли ва акцияларни сотиб олиш шартномаси лойиҳасини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати — 2004 йил 26 апрелда тугайди.
Тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2004 йил 26 майда тугайди.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

***Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:***
**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,**
**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент,**
**700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават,**
**Улуғбек Каримович Вахабов, бош директор**

**Телефон: +998 (71) 139-22-51.**
**Факс: +998 (71) 139-22-79**
**Эл. почта: ccpbuz@mail.tps.uz**

***Молиявий маслаҳатчи:***
**Maxwell Stamp PLC,**
**Буюк Британия, Лондон EC1R 3AX**
**Abbot's Court**
**34, Farington Lane**
**Ричард Китчен, директор**

**Телефон: +44 (20) 72510147.**
**Факс: +44 (20) 72510140.**
**Эл. почта: rkitchen@maxwellstamp.com**

## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan #185 dated April 17, 2003 and with the participation of the Maxwell Stamp PLC (Great Britain) as the Financial Advisor, hereby announces the following two individual public tenders for privatization sale of:

**45% Share Package of the Joint Stock Company "Kukonspirt"**
**45% Share Package of the Joint Stock Company "Andijan Biokimyo Zavodi"**

The JSC **"Kukonspirt"** is located in Kokand city, Fergana region. The enterprise was constructed in 1985 with the orientation of mineral fertilizers manufacturing. From 1989 the enterprise was re-profiled into manufacturing of ethyl food spirit. JSC "Kukonspirt" is the largest spirit manufacturer in the Republic of Uzbekistan.

4 557 461 (four million five hundred fifty seven thousand four hundred sixty one) shares of common stock of JSC "Kukonspirt" constituting the aggregate of 45% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 3 960 000 (three million nine hundred sixty thousand) US Dollars.

The JSC **"Andijan Biokimyo Zavodi"** is located in Andijan city, Andijan region. The enterprise was put into operation in 1953 as furfural-spirit plant. From 1991 there started re-profiling of the plant for manufacturing of ethyl spirit. JSC "Andijan Biokimyo Zavodi" is the second largest spirit manufacturer in the Republic of Uzbekistan.

241 328 (two hundred forty one thousand three hundred twenty eight) shares of common stock of JSC "Andijan Biokimyo Zavodi" constituting the aggregate of 45% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 3 150 000 (three million one hundred fifty thousand) US Dollars.

At that, the preference will be given to a company ready to offer the highest bid for the 45% of shares of JSC "Kukonspirt" and/or JSC "Andijan Biokimyo Zavodi".

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form and Draft Share Purchase Agreement can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Tender Documentation can be purchased till the date of April 26, 2004.
The Bid Submission Deadline is May 26, 2004.

For all issues related to the tender, please contact:

***The Work Body of the State Property Committee:***
**CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau**
**State Property Committee Bldg., 17th Floor**
**Uzbekistanskaya Str. 55**
**700003 Tashkent, Uzbekistan**

**Attention: Mr. Ulugbek Vahabov**
**Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51**
**Fax: +998 (71) 139 22 79**
**Email: ccpbuz@mail.tps.uz**

***The Financial Advisor:***
**Maxwell Stamp PLC**
**Abbot's Court 34 Farringdon Lane,**
**London EC1R 3AX**
**United Kingdom**

**Attention: Mr. Richard Kitchen**
**Director**
**Telephone: (44 (0) 20) 7251 0147**
**Fax: (44 (0) 20) 7251 0140**
**E-mail: rkitchen@maxwellstamp.com**



# «ДОКТОР, МЕН ЯНА БИР КУН ЯШАЙ...»

*Очерк*

Ўшанда куз эди. Осмондаги қора-кўнғир булутлар «ана ёғаман, мана ёғаман» дея кишиларни қўчитарди. Профессор Бобожонов ҳамкасбининг ишдан кетиш ҳақидаги аризасини синчиклаб ўқиб чиқди-да, кафтлари билан пешонасини бир муддат сиқиб турди. Кейин деразa ёнига бориб олтинчи қаватдан пастга қаради. Шамол чинорларнинг баргларини бандидан юлқиб ўзича қайларгадир чирпирак қилиб учирарди. Икки бино ўртасидаги ялангликда тўпланиб қолган қоғоз парчалари, хас-хуслар қайга бош уришни билмагандай гоҳ ғуж бўлар, гоҳ сочилиб кетарди.

— Қарорингиз астойдил бўлса бир нарса дея олмайман. «Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарози» деган гаплар бор. Янги жойда туп қўйиб, палак ёзганингизча неча-неча қовун пишиғи ўтади. Қолаверса, номзодлик ишингиз тайёр бўлиб қолганди, шекилли...

— Бахтиёр Дўсжонбоевич, пешонамга ёзилганини кўраман. Қўлингизда тўрт-беш йил ишладим. Жамоадан ҳам, сиздан ҳам норози эмасман.

— Унда нима гап? Нега иссиқ жойингизни совутаяпсиз?

Йигит саволга жавоб бермади. У худди бармоқларини, кафтидаги чизиқларни биринчи бора кўраётгандек уларга зўр ҳафсала билан тикилиб турарди.

— Битта имзо билан бир кишининг тақдири бутунлай ўзгариб кетади. Сизда иқтидор бор. Буни мақтов деб тушунманг. Мен бор гапни айтаяпман. Кейин «аттанг» демасангиз бўлгани.

Йигит қизариб кетди. Бармоқларига титроқ кирди.

— Менга номзодлик керак эмас. Очиғи, одамларга ўхшаб яшагим келади. Тўғри, маошим ёмон эмас. Озми-кўпми ўзимга яраша обрўйим ҳам бор. Кимсан профессор Бобожоновнинг қўлида — Йирингли ва диабет хасталиклари жарроҳлиги республика марказида ишлаш ҳар қандай шифокорнинг орзуси. Бироқ мен ҳали ўттизга ҳам кирганим йўқ. Вақтида дам олгим, вақтида ўйнаб-кулгим келади. Бизда эса ишдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Кундузи иш, оқшом иш, тонгда иш. Хотиним, «Эгни-бошингиздан ҳам касалларнинг ҳиди келаяпти...», дейди. Буни ўзим ҳам биламан. Қанча ювинмай кўнглим алағда бўлиб юради. Тушимда ҳам баданини йиринг босган одамлар билан гаплашиб чиқаман. Бахтиёр Дўсжонбоевич, хафа бўлмангу марказдаги 62 нафар врачу ҳамшира бориб-бориб сизга ўхшаб қолади. Қизингиз ёки ўғлингиз, жилла бўлмаганда невараларингиз қачон туғилганлигини ўзингиз ҳам билмайсиз. Яхшиям келинойим бор. Дилбар Раззоқовна қўнғироқ қилиб сизга эслатиб туради. Алишер Охунов ёки Алишер Исломовларга ўхшаб кўзимнинг нурини тўкиб докторлик ёқлашга менда рағбат йўқ. Октябр Тешаев неча йил ёнингизда юриб касал ит тутди, неча йил ана шу итларни чавақлаб тажриба ўтказди. Ҳозир эсласам, ҳам, кўнглим айнаб кетади...

— Шошманг, биродар, шошманг, уларни бекорга маломатга қўяяпсиз. Ит сўйган бўлса, кўрпа-тўшагини кўтариб келиб мана шу ерда ётиб ишлаган бўлса, улар кам бўлгани йўқ. Ҳаммаси элнинг оғзига тушди, фан докторлари бўлишди.

— Тўғри, марказимиз Россияда ҳам, Европада ҳам тилга тушган. Не-не алломалар юрак артериясидан эмлашни сиздан ўрганишган. Кўплаб тажрибаларингиз не-не давлат олимларининг назарига тушган. Бироқ хафа бўлмангу биз бировларнинг бошига ёғиладиган мағзаваларни тозалаб юрган одамларга ўхшаймиз. Янгийўллик Елена Плесовская эсингиздами? Битта ярани нотўғри даволаганлари учун кўкрак териси, қовурғалари очилиб, уриб турган юраги кўриниб қолган қизни айтаяпман. Бунинг устига кўкрак қафаси йиринглаб, қовурғалари қорасон дардига чалинган эди. Марказда ўша қизнинг қовурға суяклари олиб ташланди. Йиринглар йўқ қилинди. Шу тариқа ўнлаб шифокорларнинг айби ювилди...

— Ҳа, баракалла! Елена эндиликда қабрда эмас, ёруғ оламда юрибди. У фарзанд кўриши, бахтли бўлиши мумкин. Тошкентлик Тўйчи Маннопов бизга бир аҳволда олиб келинганди. Ошқозон деворлари, ичаклари илма-тешик бўлиб кетганди. Ўзига бир келиб, бир кетиб ётган ўттиз уч ёшли жувон операциядан олдин «Доктор, ҳеч бўлмаса мен яна бир кун яшай... Ўлсам болам етим қолади», дея зорланганди. Унинг тузалиб кетишига табобат нуқтаи назари бўйича бир фоизгина умид бор эди. Тешаев, сиз, мен ва қолган одамлар ана шу бир фоиз умиднинг этагига маҳкам ёпишиб олгандик. Беш соат тик турганмиз. Ҳамширалар бизга навбатма-навбат ёрдам берганди. Мана уч йил бўлаяптики у ҳаёт, яшаяпти. «Қовурдоқ есам майлими, сумалак ичагимга ёмон таъсир қилмайдими?» дея тез-тез қўнғироқ қилиб сўраб туради. Хўш, мана шу инсонларни стол устига ётқизиб қўйиб биз айбдор одамларни қидиришимиз керакми? Ўтган йили бир ярим мингдан ортиқроқ беморни операция қилдик. Уларнинг аксарияти шифокорларнинг беparволиги, совуққонлиги, малакасизлиги туфайли бизнинг марказимизга тушган.

— Домлажон, ахир биз ҳам инсонмиз-ку! Нега умримиз фақат тиғ ушлаб ўтиши керак? Тўй-маъракаларни қўяверинг, ҳатто болажонларим ўзаро йиғинларига ҳам мени аллақачон айтмай қўйишган. Негаки мен боролмайман. Ишхонада тушлик қилаётганимда ҳам, оқшомлари уйга бориб ётганда ҳам қулоқларим остида «Тез ёрдам»нинг чинқириғи ё бўлмаса телефон қўнғироғини эшитгандай бўлавераман. Гапираман десам гап кўп... Ўзингиз ҳам сезиб турибсиз. Ғишт қолипдан кўчган. Аризамга қўл қўйиб беринг. Қўлим қон юқи бўлмайдиган, бирон жойдан иш топарман...

Профессор Бобожоновнинг юрагини биров қисмлагандек бўлди. Ҳайрият, кўп ўтмай темир панжалар бироз бўшашди. У аризага имзо чекди. Хайр-хўш маросими совуққина ўтди. «Қандай иқтидорли ва қандай аҳмоқ одам...» деб ўйлади у эшик ёпилгандан сўнг.

Тун. Фақат машина моторларининг овозигина ана шу тун сукунатини бузиб туради. Аслида бундай кезларда кўчаларда ҳам битта-яримта машиналар юрган бўлади.

— Дадаси, манти қилувдик. Иситиб келайми?

— Керакмас, шундай ейман...

— Ҳазораспдан дадамиз телефон қилдилар. Ситорани қачон обкеласизлар, жуда соғиндим, деяптилар...

Томоғидан овқат ўтмади. Хотини Дилбархон эридан жавоб кутаркан у олис Ҳазораспдаги қари отасини, ўн йиллар муқаддам вафот этган онаси Нодира аяни эслаб хаёлга чўмди. Отаси Дўсжон Бобожонов етмишдан ошиб кетган бўлса ҳам ҳозиргача жарроҳлик қилади. Онаси гинеколог эдилар. Республикада биринчи бўлиб «Нодира» номли хусусий туғруқхона очганида у Тошкентда туриб қанчалар шодланганди...

— Бугун жуда хомуш кўринасиз?

— Билмадим, чарчадим шекилли...

— Йўқ, дадаси, бугун жуда бошқачасиз. Беморларингиз тузукми?

Бахтиёр Дўсжонбоевич табиатан камгап, қолаверса ишхонадаги воқеаларни турмуш ўртоғи билан муҳокама қилавермайдиган одам эди. Жўрабек, Барно, Темурбек исмли ўғил-қизларни тортиқ этган, ўттиз беш ёшида докторлик диссертациясини ҳимоя қилганда ойлаб ёнида турган Дилбархонга юрагини кемираётган гапни айтгиси келмади. Хотини ҳам шифокор эмасми, эрининг машқи бежиз паст эмаслигини аллақачон илғаганди.

— Дадаси, дам олинг бўлмаса...

— Сен ётавер мен касалхонадан қўнғироқ кутаяпман, — деди у диван суянчиғига бошини қўяркан. — Шошма, сен билан бир нарсани маслаҳатлашмоқчиман...

Хотини тўхтаб, диванга ўтирди.

— Бир ходимимиз ишдан кетди. Сен уни танийсан. — Бобожонов йигитнинг исми-шарифини айтди. — Тушдан буён хаёлимга кўп гаплар келиб кетди. Одатда жарроҳлик марказига ўзим ўқитган, қўлимда амалиёт ўтаган йигит-қизларни танлаб оламан. Бу йигитнинг анча кўзи пишиб қолганди. Қонни ёмон кўрармиш. Ана гап қаерда. Иш деб одамларга ўхшаб дам ололмаётганлиги сабабли ариза ёзибди. Театрга бориб спектакль кўрмоқчи эмиш. Хотинини қўлтиқлаб хиёбонларда сайр қилармиш. Ўриндиққа ястаниб ўтирганча офтобда тобланиб, музқаймоқ яларммиш. Бор, театрга паттачи бўлиб ишга кир. Паттани сотгач ҳар куни янги-янги томоша кўрасан. Э, ўша оқ билак хотинингдан ҳам ўргилдим...

— Вой ўлай, дадаси, нималар деяпсиз? Театрга бориш гуноҳ бўлибдими? Қайтага театрга бормаганлардан кулишади.

— Мен бир омади гапни айтаяпман-да. Менга деса ўн маротаба бормайдими. Қонни кўрса кўнгли айнаётганлиги алам қилади холос. Анови бухоролик Октябр Тешаевни биласан-а? Озғин, узундан келган йигит. Олис вилоятдан келган бу бола жонини жабборга берди. Кўйлагимнинг енгидан тутиб, юрсам юрди, турсам турди. Юзлаб операциялар қилди. Мана энди кимсан профессор Тешаев бўлди. Энг нозик ишларни ҳам баъзан унга топшираман.

Қўнғироқ жиринглади. Гўшакни кўтарган Бахтиёр Дўсжонбоевичнинг чеҳраси ёришди.

— Кўзини очган бўлса марра бизники. Яқинига ҳеч кимни қўйманглар. Уч кун реанимация хонасида сақлаймиз. Эрталаб ўзим бориб қўшимча дори-дармонлар тайинлайман...

Бир кун эрталаб реанимация хонасидан чиқиб ўз хонасига кираркан орқасидан юз-кўзлари кулиб турган бир одам эргашди.

— Ассалому алайкум, дўхтиржон! Мен бир ўлиб, қайта тирилган Ваққосовман. Энди мени танидингизми?

Бахтиёр Дўсжонбоевич «ҳа» дегандек бош силкиб сўрашгани қўл узатганди, собиқ бемори уни ростмана кучоқлаб олди.

— Шу десангиз бола-чақамиз билан баримиз бир бўлиб дуоингизни қилиб ётибмиз. Қишлоқдагиларга ТошМИда ўлганларни тирилтирадиган доктор бор, десам сира ишонмайди. Гапнинг очиғи сизни жўраларингиз билан қишлоққа зиёфатга айтгани келдим. Бир ширбозни еб, кўкатдан бўлган сомсалардан тановвул қилиб келмасаларингиз у ёқдагилар гапимга тирноқча ҳам ишонмайди.

Шу пайт марказнинг бўлим бошлиғи Октябр Тешаев кабинетга кирди.

— Домла, бу акамиз аввал ҳам бир-икки қўнғироқ қилиб қишлоққа чақирувди. Мана ўзлари ҳам келибди...

— Мен одамларга айтдим. Ошқозоним ёрилиб, нариги дунёга кетаётганимда шу одамлар жонимга оро кирган деб. Чордара деганлари дунёнинг нариги чеккаси эмас. Шаҳардан чиқиб бир овоз берсаларинг мен «ҳувв» деб йўлларингга пешвоз чиқаман. Қишлоғимизнинг атрофи мисоли жаннат. Бўзга олача ёзиб қозон қайнатамиз. Кўзларинг кўкни кўриб роҳат қилади. Ана мазза, мана мазза!

Қишлоқнинг одами жуда содда бўлади. Содда бўлмаса икки профессор дам-бадам соатларига қараб қўйишаётганлигини, вақтлари тиғиз эканлигини англаб олган бўларди. У ваъдани нақд қилгачгина хайрхўшлашди.

... Кўклам аллақачон дов-дарахтларга муҳрини босиб улгурди. Ҳатто тонгдаги қушларнинг чуғуридан ҳам ана шу кўкламнинг нафаси келади. Бозорларни нархи сув текин исмалоқ босиб кетди. Кимдир Сурхондан бир жамадон чукур келтириб Хадра майдонида милиционернинг дўқ-пўписасига қарамай харидор чақира бошлади. Аёлларнинг эгнидаги қалин кийимлар нафталин сепилиб, сандиқларнинг ичига ташланади. Писта сотувчи кампирлар маҳалла фаолларининг танқидига учрай бошлайдилар.

Чордарада ҳам кўклам қиқирлаганига анча бўлиб қолди. Ваққосов кутган меҳмонлар бу шанба бўлмаса, эҳтимол нариги шанба бориб қолишар. Балки шаҳарнинг четига чиқиб бир бақирса «ҳувв» деган овоз келадиган қишлоққа боришга улар яқин ўртада вақт топишолмас.

Гап бунда эмас. Гап Ваққосовнинг омон қолганлигида. Гап унинг ерни гурсиллатиб қадам босишию момақалдироқдек товуши билан хохолаб кулишида. Муҳими мана шу.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗНИ озод тут

*кузатув мушоҳадалари*

Куз фаслида Косонсой туманига йўлим тушганида, йўл чеккасида пахта тераётган қизлар билан бирров суҳбатлашдим. Тушлик пайти эди. Дастурхондаги косаларга овқат сузилган, нон ушатилган. Қизлар билан ҳол-аҳвол сўрашдим. "Халқ сўзи" газетасини ўқишлари билан қизиқдим. Қизлар газетамизни ўқишар экан, учтўрт энг фаол муаллифлар, уларнинг ижод услубларигача айтиб беришди.

Макарондан бўлак ҳеч вақоси кўринмаётган овқатларидан қизларнинг баъзилари ҳижолат тортаётгандек туюлди менга.

— Бугун шундай бўлиб қолди... Ош, шўрва пишириб беришади.

Ёнида ўтирган, юзини сепкил босган қиз қиқирлаб кулиб, бошини эгди.

— Яхшироқ овқат пиширишларини сўрамайсизларми?

— Бугун шунақа бўлиб қолди-да, аслида яхши овқатлар қилишади, қиз ерга қаради...

***

Бир оқшом чироқчилик аёлни меҳмон қилишга тўғри келди. Қишлоғидан биринчи марта Тошкент томонга чиқиши экан. Ошхонадаги газнинг ловуллаб ёнишида, кран жўмрагидан гоҳ қайноқ, гоҳ муздай сувнинг оқишида мўъжиза кўраётгандай меҳмон уларга термуларди. Кундуз куни чироқ ёқиб дарс қилаётган қизимга ҳайрон қолаётганини яширмасди.

— Сизларда газ, чироқ йўқми?— сўрайман аёлдан.

— Ўчоқда пишириб, лампа ёруғида ўтирамиз. Бир амалласа бўладику-я, сув йўқлиги қийинроқ.

Аёл назарида ҳаётнинг бу каби ноёб неъматлари ичида яшаётганлар ҳам гўё ўзи билган-таниганлардан бошқачадек эди. Бошқача одамларга ичадиган суви йўқлигини айтиш гуноҳ ёки уятдек тутарди ўзини.

Аслида косонсойлик теримчи қизлару халқаро лойиҳалар тузаётган ёшлар орасида ёки дунёнинг истаган манзили билан интернетда боғланаётган аёллару чироқчилик замондошимиз ўртасида қандай тафовут бор? Бир қараганда, узоқ масофа ва яратилган шароитлар дейиш мумкин. Гарчи юртнинг ҳамма гўшасида баб-баравар шароит яратилган жамиятни тарих ҳали кўрмаган бўлса-да биздаги бугунги тараққиёт бу борада бамайлихотир яшашимизга имкон бермайди. Ҳамма гап шароитлар орасидаги тафовутни камайтиришда.

Назаримизда, маънавий-руҳий тафовутлардан энг муҳими — айрим юртдош-

*Маънавият*

ларимиз ўзни озод ҳис қилолмасликларида намоён бўлмоқда. Ўзни озод ҳис қилмоқ деганда нимани англаш мумкин? Сиёсатшунос олимларнинг изоҳларига кўра, ўзни Инсон, руҳан эркин ҳис қилмоқ ўзни ва бошқаларни муҳофазали, тенг ҳуқуқли фуқаро тарзида кўра олиши маданиятидир.

Юқоридаги воқеа қаҳрамонларида ана шу маданият шаклланмагани туфайли, аввало, ўз ички дунёси кемтикликларини, қолаверса, яшаётган макони муаммоларини сезмайдилар. Билган тақдирдаям, улар билан курашишга ожизлик қиладилар. Улар билан курашиш деганда ғалва чиқариб, ҳамма ёққа ёзиш, шовқин-сурон кўтариш эмас, аксинча ўта вазминлик ва ишбилармонлик билан қонунга риоя қилган ва унга асосланган ҳолда вазиятдан чиқиш йўлларини излаш тушунилади. Буни уддалаш учун лозим топилса, ўқиб-ўрганишдан эринмаслик муҳим.

Демоқчимизки, ҳали ҳам айрим қишлоқларда ислоҳотлар бош омили инсон эканлиги, жамики саъй-ҳаракатларимиз инсонни мукаммал кўришга қаратилгани сезилмайди. Акс ҳолда, теримчи қизлар пахта териш эмас, тераётган пахтамиз яхши яшашимизга улуш қўшиши — асосий мақсад эканлигини англаган бўлардилар. Ўз саломатликлари учун қайғуриб, сифатли таом пиширишларини хўжалик раҳбарларидан талаб қилган бўлардилар.

Шукрки, фаровонлик йўлида ташланаётган ҳар қандай қадам қўллаб-қувватланиб турибди. Фақат меҳнат қилиб, тер тўкишга, қийинчиликларга бардош беришга тўғри келади. Жалолиддин Румийда ажойиб мисра бор. "Ай, ғунча, ўзликни намоён этмоқликни бизга ўргат!" Алломанинг бу хитоби инсонни ўзидаги бор имкониятларни ишга солишга, мақсади сари тинмай изланишга, меҳнат қилишга чорловдек эшитилади. Бир ғунчаки қуёш ва тупроқ таъсирида шундай мўъжизага айланар экан, олий мавжудот — инсон агар куч-қудратини тўла намоён этса, қанчалик буюк кашфиётлар яратишга қодир у.

Жайдари тил билан айтганда, нима эксак шуни ўрамиз. Менинг бир танишим бор. Нуқул ҳаётдан нолиб юради. Одамларда меҳр-оқибат қолмади, инсоф-диёнат йўқ, деган маломатларни деярли ҳар куни тилга олади. Ахийри унинг турмуш тарзини обдон кузатдим. Кўп эмас, икки-уч воқеадан сўнг гувоҳ бўлдимки, оддий ҳолатларда унинг ўзи одамларга нисбатан инсонийлик хусусиятларини намоён этолмайди. Одамларга меҳр улашолмай туриб, улардан меҳр кутиш қоронғиликда нина қидирган билан баробар.

Ҳазрат мир Алишер Навоийда "Озод бўлмоқ истасанг, ўзни озод тут" деган пурмаъно ҳикмат бор. У худди бизнинг бугунги кун учун айтилгандай. Ўзни ҳақ-ҳуқуқсиз ва ожиз ҳис этмоқликни, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга юзаки муносабатда бўлишликни — озод кунларимизга, эришган жамики ютуқларимизга хиёнат ва беписандлик деб баҳоласак, муболаға бўлмайди. Хиёнатнинг ҳар қандай тури оғир асоратли. Шу боис уларнинг бўлмагани маъқул.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Болалар спорти*

# НАВОИЙДА НАФИС ГИМНАСТИКА РИВОЖЛАНАДИ



Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлар кенгашининг 9 январда бўлиб ўтган йиғилишида Навоий вилоятида қизларни спортга жалб этиш яхши йўлга қўйилмагани танқид қилинган эди. Енгил атлетика, сузиш, теннис, стол тенниси, бадиий гимнастика каби спорт секцияларига қизларни жалб этиш, ёшлар ўртасида спортни янада кенгроқ тарғибот қилиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

Ўтган даврда мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан вилоятда қатор тадбирлар амалга оширилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бадиий гимнастика, енгил атлетика, стол тенниси каби бўлимлар ташкил этилди. Бадиий гимнастика бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Эндиликда спортнинг бу турини энг чекка қишлоқларда ҳам ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилиш қизлар ўртасида спортнинг бадиий гимнастика турини ривожлантиришга бағишланди. Унда сўзга чиққанлар болалар спортини ривожлантириш борасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, қизларни спорт секцияларига кўпроқ жалб қилиш, хусусан, бадиий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Йиғилишда Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

*Қисқа сатрларда*

**ШАХМАТ.** Андижон шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича ўтган Ўзбекистон биринчилигида йигирма тўрт спортчи қатнашди.

Бир ҳафта давомида ўтказилган мусобақада қизлар ўртасидаги баҳсларда етти нафар рақибасини ортда қолдирган фарғоналик Н.Мўминова мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Кейинги ўринлар фарғоналик Х.Тоҳиржонова ҳамда андижонлик М.Мирзаевага насиб қилди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда тошкентлик Т.Гореев ғолиб бўлди. Пойтахтнинг яна бир вакили, Халқаро шахмат уюшмаси — ФИДЕ устаси А.Филиппов иккинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, наманганлик Б. Холмирзаев ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Мамлакат биринчилигида олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган шахматчилар жаҳон ва Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

***

**УЛОҚ-КЎПКАРИ.** Жиззахда улоқ-кўпкари бўйича вилоят биринчилиги якунланди. Етти турдан иборат бўлган вилоят биринчилигида олти учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган Ғаллаорол чавандозлари ғолибликни қўлга киритди. Кейинги совринли ўринлар Зомин ва Бахмал тумани вакилларига насиб қилди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# Мактабга ғамхўр устоз

Бойсун тоғлари бағрида Гумматак деган қишлоқ бор. Вилоят ва туман марказидан анча олисда жойлашган ушбу қишлоқда Рамазон Абдуллаев исмли устоз яшайдилар. Қишлоқда 53-мактаб бор. Устоз бундан бир неча йил муқаддам ўз маблағидан қишлоқ ёшлари учун янги мактаб биноси қуриб берган эди. Сўнгра тоза ичимлик сув келтирди. Айни кунларда мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳаракатида.

Савобли иш қилаётган одамга хайрихоҳ ҳам топилар экан. Яқинда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси мактабга компьютер совға қилди, — дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири М. Абулфайз.

***Улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи УС № 001917, УС № 001915, УС № 001913 серияли рухсат гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси «Олий таълим» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

**Шамил БАЛАБЕКОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелефильм» студияси жамоаси режиссёр Йўлдош Абдукаримовга ўғли

**УЛУҒБЕКнинг**

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси «Фалсафа» кафедраси катта ўқитувчиси Обид Маҳмудовга падари бузруквори

**СОБИР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари «Назарий механика ва машина деталлари» кафедраси доценти Феруза Файзуллаевага умр йўлдоши

**Акрам БОҚИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир**
**Аббосхон**
**УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ**
(масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**П. ДЮГАЙ,**
**Ш. ЖАББОРОВ**
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. КУЧЕРЕНКО**
(масъул котиб — «Народное слово»),
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**А. САИДОВ**
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**М. САФАРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 472,
33413 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Қоғоз бичими А — 2.
Офсет усулида босилган.

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор Б. Файзиев томонидан саҳифаланди.**

Навбатчи котиб — **Ю. Ҳамидов.**
Навбатчи муҳаррир — **Ф. Санаев.**
Навбатчи — **М. Холматова.**
Мусаҳҳиҳ — **М. Ёқубова.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**
**t — тижорат материали.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**
**Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.20*
**1 2 3 5 6**